# Фойдаланилмаган таътил куяди...ми?

6-бет


# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

2008-yil 31-iyul
№ 91 (2504)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Кўнгил чинни пиёла 3



Бегим кунлар 12



Айёр фолбинлар ва лақма умидворлар 13



Олимпиада 2008

О, сен мафтункор, спорт!.. 14

## Ракурс

### Тарзанми, Чингачгукми ёки...

Эрталаб набирамни боғчага олиб кетаётгандим. Йўл-йўлакай мўъжазгина дўконга кирдик. Турли ширинликлар харид қилдим. Шу пайт набирамнинг кўзлари чақнаб:

— Бобо, қаранг, Жумонг, олиб беринг, — деганича қўлидаги ширинликларни менга тутқазиб, ёнбошдаги пештахта томон югурди. Дастлаб ҳеч нимани тушунмадим. Набирам кичкина қутичани олиб келгач, ҳамма нарса ойдинлашди. Унга айни кунларда телевидениеда намойиш этилаётган «Жумонг» филми қаҳрамонларининг суратлари туширилган эди.

Олиб бердим. Ёшлик вақтларим ёдимга тушди.

Маҳалламиздан унча узоқ бўлмаган жойда «Ватан» кинотеатри жойлашганди (ҳозирги Миллий академик драма театри ўрнида). Кўчамизда яшовчи ёши каттароқ болалар ҳар куни ўқишдан чиқиб (айрим пайтларда қочиб), ўша пайтда катта шов-шувга сабаб бўлган «Тарзан» филмини томоша қилишга боришарди. «Бизни ҳам олиб боринг» деб эргашсак, «Ҳали ёшлик қиласизлар, уйда ўтиринглар» деб устимиздан кулгандек бўлишарди. Қизиғи шундаки, ўша вақтда Тарзанга тақлид этувчилар кўпайиб кетганди. Оёқ-қўли синиб, касалхонада ётиб чиққанларни ҳам кўрганмиз.

Кейинчалик киноактёр Гойко Митич қойилмақом қилиб ўйнаган Чингачгук бизнинг қаҳрамонимизга айланди. «Панорама» (ҳозирги Алишер Навоий номли кинотеатр) да намойиш этилган филмларнинг бирортасини ҳам қўймай томоша қилардик. Унинг эпчиллигию милтиқдан нишонга бехато отиши бизни ниҳоятда ҳаяжонлантирарди.

Бугун мени бир савол қийнайди. Нега ёшлар орасида оммалашиб кетган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшадиган филмлар деярли йўқ? Халқимиз орасидан чиққан не-не қаҳрамонлардан ҳар бирининг ҳаётини битта кино қилсак арзимайдими?

Бир куни қизиқ воқеа бўлди. Тошкентда биохимикларнинг халқаро симпозиуми ўтказилаётганди. Унда украиналик ҳамкасбимизни учратиб қолдим. У билан Тошкентни айландик. Кетаяпмизу у атрофни томоша қилиб, ҳайратини яшира олмасди.

Тушлик вақтида бир пиёла чой устида мириқиб суҳбатлашдик. Ўзбекистонлик тарихий шахслар ҳақида гап кетганда у Алишер Навоий, Улуғбек, Ибн Сино каби алломаларни билишини айтди.

— Чунки Навоий ҳақида филм ишланган. Улуғбек ва Ибн Синони билмаган одамнинг ўзи йўқ, — дея фикрини изоҳлади танишим. Шунда мен унга тарихий қаҳрамонларимизни номма-ном санай кетдим. Меҳмон хижолат тортгандек бўлиб, елка қисди.

Шу куни меҳмон билан бошлаган мунозарамиз кечгача чўзилди ва у ҳақиқатан ҳам шарқ цивилизациясининг дунёда тутган ўрни ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигини тан олди.

Қиссадан ҳисса шуки, кино санъати нафақат миллатимизни дунёга танитади, балки ёш авлод қалбида ўтмишдаги қаҳрамонларимизга нисбатан ҳурмат ҳиссини ҳам уйғотади.

Тўғри, бундай асарларни яратишга катта маблағ зарур. Лекин маънавият учун, ўзликни англаш учун ҳар қанча пул сарфласа арзийди.

Неъмат РАФИҚОВ




«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134





# Меҳнат муҳофазаси

Мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, ходимларга қулай шароит яратишга эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўқув марказида Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Марказий кенгашлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларининг махсус дастур бўйича ўқитилиши ушбу вазифаларни янада самарали амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бир ҳафта давомида 28 нафар тингловчи ЎзКУФК, вазирлик ва ташкилотлар, олий таълим муассасалари етакчи мутахассисларининг маърузаларини эшитишди. Машғулотлар ўзаро фикр алмашув руҳида ўтди.

Шу йилнинг феврал ойида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда Федерация кенгаши томонидан ўтказилган семинар меҳнат муҳофазаси масаласида яна бир қадам бўлди. Бундай тадбирларни йил охиригача яна ташкил этиш режалаштирилган.

— Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги асосий тамойиллардан бири ишлаб чиқаришга нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигидир, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ўрол Одилов. — 2007 йили республикамиз бўйича меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича жамоа шартномаларида режалаштирилган 196.233 та чора-тадбирдан 185.635 таси бажарилган. 5962 та касаба уюшма қўмитасининг фаолиятлари ўрганилиб, уларга ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда Андижон, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари барча ҳудудий бирлашмаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ташкил этилиб, малакали мутахассислар жалб қилинган.

Меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар суд жараёнларида иштирок этиб, меҳнаткашларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишаяпти. Масалан, ўтган йили ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса туфайли Шофиркон туманидаги «Пахтабанк» бўғбони Ихтиёр Атоев вафот этиши оқибатида унинг 2 нафар фарзанди боқувчисидан ажралган. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг туман бўйича вакили Д.Аҳмаджонованинг аралашуви натижасида 2008 йилнинг март ойида боқувчисини йўқотган оилага марҳумнинг бирйўла 6 йиллик ўртача иш ҳақи, яъни 5 млн. 97 минг сўм тўлаб берилди. Бундан ташқари, марҳумнинг фарзандларига ҳар ойда 35.496 сўмдан тўлаб келинмоқда.

Ҳудудий бирлашмалар, тармоқлар Марказий кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича тўплам, қўлланма, тавсиялар ишлаб чиқилиши, ОАВ орқали тарғиб қилинишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Лекин корхона ва ташкилот раҳбарларининг айби билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар юз бериши ҳам кузатилмоқда.

Ўқиш жараёнида қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар билан биргаликда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан давра суҳбати уюштирилди. Суҳбатда ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров иштирок этиб, кўтарилган масалалар юзасидан тингловчилар билан фикр алмашди.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

***Инсон манфаати акс этган ислоҳот халқ эътирофига сазовордир. Мамлакатимизда ёш авлод камолоти йўлидаги ҳаракатлар мевасини бера бошлади. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг 2004 — 2009-йилларга мўлжалланган умуммиллий дастури, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий этилди. Ўтган фурсатда Самарқанд вилоятида бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Қуйида шу ҳақда фикрлашамиз.***

# Келажакка эътибор

Вилоятдаги 1216 та умумтаълим мактабида 640.500 нафар бола таҳсил олади. Ҳудудда авария ҳолатидаги мактаблар яқин вақтгача мавжуд бўлганидан кўз юмиб бўлмайди. У ердаги шароит, эскирган жиҳозлар кўнгилни ғаш қиларди. Аксарият ўқитувчилар таълим даргоҳларидаги шароитдан, тўланадиган ҳақдан кўнгли тўлмай ишдан бўшаб кетиши одатий ҳол бўлиб қолганди. Бу борадаги дастлабки қадам мактабларга устозларни қайтариш бўлди. Муаллимларнинг иш ҳақи оширилди. Мана, тўрт йилдирки, таълим тўғрисидаги дастур доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина Самарқандда 35 та янги мактаб биноси қурилиб, 268 таси капитал реконструкция қилинди.

Жорий йилда бюджетдан мактаб тизимига 137 млрд. 765 млн. сўм сарфланиши кўзда тутилган. Шунингдек, мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан 70 минг ўқувчига мўлжалланган 162 та мактаб қурилади, таъмирланади. Таълим даргоҳларини жиҳозлашга 11 млрд. 173 млн. сўм сарфланади. 69.500 ўринли 680 та боғчада ёшлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Вилоятда ёшларни касбга йўналтириш борасидаги ишлардан ҳам қаноат ҳосил қилса бўлади. Кейинги тўққиз йилда 14 та академик лицей, 112 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Мазкур ўқув юртларида ижтимоий, гуманитар, иқтисодий, тиббиёт, санoат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш йўналишидаги икки юздан ошиқ мутахассислик бўйича юз мингдан кўпроқ ёшлар таҳсил олаяпти. Коллеж битирувчиларининг қарийб саксон фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилган.

— Тизимнинг босқичма-босқич ишлаши жуда самарали усул. Узлуксиз таҳсил етук мутахассислар тайёрлаш имконини беради, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Умида Холбекова. — Бугун ёшларимизга ҳавас қилмасдан илож йўқ. Улар учун билимлар дунёсининг барча эшиклари очиқ.

Коллежларда барча шароит муҳайё этилган. Компютер хоналари, лаборатория жиҳозлари, мултимедиа, енгил ва юк машиналари, минитракторлар, устахона ҳамда қишлоқ хўжалик ускуналари бор. Эътирофга лойиқ яна бир жиҳат шуки, тизимга чет эл инвестицияси жалб этиш, халқаро фондлар грантини олиш имкони мавжуд. Бундай ютуқларга эришаётганлар ҳам оз эмас. Ҳудуддаги коллежларнинг 5 таси Япония ҳукуматининг, 3 таси Осиё тараққиёт банкининг, 2 таси Германия техникавий ҳамкорлик жамиятининг, 18 таси эса Жанубий Корея ҳукуматининг кредити ҳисобига жиҳозланган.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда таълим тизими ислоҳотлари ёшларнинг имкониятини ошириб келмоқда. Ёшларга эътибор эса порлоқ келажакка қўйилган пойдевордир.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Эзгуликка не етсин

**Гулистон шаҳрида бир гуруҳ савобталаб, саховатпеша инсонлар серфарзанд, кам таъминланган оилаларга бир бошдан соғин сигир бериш ташаббуси билан чиқдилар.**

**Натижада шаҳар маҳаллаларида истиқомат қилувчи 50 та кам таъминланган оила қорамолли бўлди. Тадбиркор Маъруф Мансуров саховатпешаликда барчага ибрат кўрсатди. У «Фарҳод» маҳалласида яшовчи Феруза Худойқулова, Назира Султонова ва «Тошкент» маҳалласида яшовчи Абдували Турсунқуловлар оиласига бир бошдан соғин сигир берди.**

**— Бу саховатдан бошимиз кўкка етди, қувончимизнинг чеки йўқ, — дейди Феруза Худойқулова. — Турмуш ўртоғимдан бевақт ажраб, тўрт нафар фарзандим билан анча қийналиб қолгандим. Қўли очиқ инсонлар омон бўлсин.**

**Эзгуликка не етсин. Сахий инсонларнинг беминнат ёрдамлари туфайли оилаларга кут-барака кирди.**

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Донолар демишки...

***Одамлар билан шундай яшагилки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.***

**ПИФАГОР**

# Ҳам хизмат, ҳам саховат

### «Махсус савдо»нинг иш шиори ана шундай

Бугунги кунда бюджет ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, боғча ёшидаги болаларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб етишида уларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳамияти катта. Кичкинтойларнинг тўғри овқатланишида сифат ва тўйимлиликка эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бундай озиқ-овқат маҳсулотларини бир неча йил олдин боғчалар турли хусусий фирмалардан харид қилар эди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам сифат жиҳатидан тўлиқ кафолатланган дейиш қийин. Шунинг учун соҳада хизмат кўрсатишни яхшилаш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида «Махсус савдо» ташкил этилди.

Зомин туманида фаолият кўрсатаётган «Махсус савдо» фирмаси 20 та мактабгача таълим муассасаси ва иқтидорли болалар мактаби ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига хизмат кўрсатмоқда. Фирма таълим муассасаларини куз-қиш мавсумига етадиган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Қиш мавсумига етадиган миқдорда — 50 тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тарқатилди. Унинг асосий қисмини картошка, пиёз, сабзи, карам ва полиз маҳсулотлари, дуккакли дон ташкил этади. Бунинг учун 15 миллион сўм маблағ молиялаштирилди.

— Мавсумга етадиган миқдорда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланганлигимиз туфайли ҳеч қандай қийинчиликка дуч келганимиз йўқ, — дейди 3-мактабгача таълим муассасаси мудираси Дилбар Толипова. — Жамғарилган маҳсулотларни махсус хоналарда сақлаб, унинг сифати ва тўйимлилигини таъминлашга имкон яратдик.

«Махсус савдо» фирмаси раҳбари Алишер Жумановнинг айтишича, улар ишни республика Бош давлат санитария врачи томонидан 2000 йил 30 июнда тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этаяпти. Мазкур ҳужжатда таълим муассасаларида тарбияланаётган ҳар бир болага истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 1 кунлик нормаси белгилаб қўйилган. Фирма бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатишни яхшилаш билан бир қаторда, соҳада меҳнат қилаётган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни ҳам йўлга қўйган. Бир сўз билан айтганда, улар ўз фаолиятида ҳам хизмат, ҳам саховатни уйғун ҳолда амалга оширмоқдалар.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**Жиззах вилояти**

# Кўнгил — чинни пиёла

## уни оғу билан тўлдирмаслик керак

*Яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, прокуратура ва ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида «Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» мавзуида очиқ мулоқот уюштирилди.*



Ўзаро фикр алмашув ва қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни келтириб чиқирувчи асосий омиллар», «Хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш», «Баркамол авлод тарбиясига масъулмиз», «Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни», «Огоҳлик — давр талаби» каби мавзулардаги чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Маънавият оиладан бошланади, — дейди кўп йиллардан бери касаба уюшма ташкилотларида ишлаб келаётган тажрибали педагог Яраш Норов. — Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган. Боланинг илк тарбияси оила муҳитида шаклланади. Дейлик, катта ёшдагилар жангари филмларни томоша қилишаяпти. Албатта, фарзандларнинг эътибори ҳам ундан четда қолмайди, ота-онадан яширинча кўришга ҳаракат қилишади.

— «Ур-тўполон» филмлар мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, уларни шафқатсиз, меҳрсиз, урушқоқ қилиб қўяди, — дейди биз билан суҳбатда Қарши туманидаги 2-умумтаълим мактабининг директори Пўлатжон Қамбаров. — Бундай пайтда ота-оналар болаларни бошқа иш билан банд қилишлари, дарс тайёрлаш, турли хил эртак ва бадиий китоблар ўқиш, интеллектуал ўйинлар ўйнашга жалб этишлари лозим.

Соғлом ғоялар билан суғорилган онг киши қалбида юксак дунёқараш, мустаҳкам эътиқод пайдо қилади. Кино-видео маҳсулотлари инсон руҳиятига маънавий таъсир кўрсатишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

— Ҳар қандай жамият ўз аъзоларига, айниқса, ҳаётий тушунчалари ҳали шаклланиб бўлмаган видео кассеталар ва DVD дискларда, шунингдек бошқа тарзда тақдим этилаётган маълумотлар, ахборотлар ҳамда ғоялар оқимини доимий равишда назорат қилиб бориши даркор, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг ҳудудий бўлими бошлиғи Эркин Жўраев. — Аммо, воҳамиз кино ва видео маҳсулотлар бозоридаги вазият таҳлили кўрсатиб турибдики, мазкур жабҳада айрим қонунбузарликлар ҳам учраб турибди.

Ҳақиқатан ҳам бўлим ходимлари томонидан ҳуқуқ-тарғибот идораларининг вакиллари иштирокида шаҳар ва туманларда рейдлар ўтказилганда, амалдаги қонунчилик талабларига зид ҳолатлар ҳам фош этилди.

Аксарият ҳолларда кино ва видео маҳсулотлар савдоси ва ижараси билан шуғулланувчи шахсларда ушбу фаолият турини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар мавжуд эмаслиги, улар томонидан «Муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Берн конвенцияси талаблари бузилаётганлиги аниқланди.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Косон, Муборак, Нишон, Қарши туманларида ўтказилган рейдлар чоғида аҳолига келиб чиқиши номаълум бўлган ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Диний ишлар қўмитаси томонидан тасдиқланмаган диний мавзудаги видео маҳсулотлар, бундан ташқари, АҚШдаги «Warner Brothers» кинокомпаниясида ишланган «300 нафар спарталик» ҳамда ҳаваскор режиссёр Сергей Тихомиров тасвирга олган «Тошкент бригадаси» филмлари туширилган видеокассеталар сотилганлиги аён бўлди. Ҳолбуки, республикамизда тегишли комиссия қарорига кўра миллатлараро низолар ва зўравонлик ғоялари мавжуд бўлганлиги учун бу фильмларни мамлакатимиз ҳудудида намойиш қилиш ва тарқатиш, сотиш, кўпайтириш ва ижарага бериш тақиқланган.

Олиб борилган рейдлар натижасида айрим жойларда халқимиз менталитетига ёт бўлган ва нафақат зўравонлик, жинсий ахлоқсизлик ҳолатларини акс эттирган, одамлар ва айниқса, ёшлар одоб-ахлоқига катта зарар етказадиган видео маҳсулотлар, уларга бошқа филмларнинг номлари қўйилган ҳолда сотилиши билан боғлиқ ҳоллар қайд этилди.

Воҳада 104 та шохобчадан 70 тасида кино-видео маҳсулотлар савдоси ва ижараси билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар йўқлиги аниқланди. Ноқонуний фаолият юритаётган шахслар халқимиз маънавиятига зиён етказиш билан бир қаторда иқтисодиётга ҳам катта зарар келтиришаяпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра мазкур соҳада ҳар йили солиқ сифатида бюджетга тушиши лозим бўлган тахминан 110-120 миллион сўм мутлақо тўланмай келинаяпти.

Қонунбузарликларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши табиий. Бироқ, вилоятда кино-видео маҳсулотларини сотиш ва ижарага бериш билан 320 дан ортиқ шохобча шуғулланаётган бўлса, улардан атиги 111 таси тегишли лицензияга эга. Биргина Қарши шаҳрида бу фаолият тури билан машғул бўлган 200 дан ортиқ шохобча мавжуд бўлиб, 50 тасининг лицензияси бор, холос.

Китоб туманидаги Ш.Мўминов кўчаси, 11-уйда яшовчи Х.Юсуповдан 595 минг сўмлик, 442 дона аудио, видео ва лазер дисклари далилий ашё сифатида олинди. Шу тумандаги Ҳамза кўчаси 23-уйда яшовчи Т.Убайдуллаев 636 минг сўмлик, 533 дона, Г.Жўрабеков кўчаси 131-уйда истиқомат қилувчи Р.Хонназаров 1554 минг сўмлик, 781 дона сифатсиз кассета ва дисклар билан савдо қилаётганда қўлга тушди.

Косон тумани Мўдин қишлоғида яшовчи Жавлон Ҳаққулов ҳам узоқ вақтлардан бери кассета ва лазер дисклари савдоси билан шуғулланиб келган, аммо бунинг учун лицензия олиш тўғрисида ўйлаб кўрмаган. Вилоят бўйича кейинги ойларда 30 га яқин лицензиясиз фаолият кўрсатган жисмоний шахслар аниқланиб, улардан 4601 та ёки 4984,9 минг сўмлик аудио, видео, лазер дисклари далилий ашё сифатида олиниб, ҳуқуқбузарларга нисбатан 1094,3 минг сўм ҳажмида маъмурий жарима қўлланилди.

Халқаро майдонда ғоявий ва информацион кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий қўпорувчиликнинг олдини олиш, айниқса, муҳим. Ёшларимизни турли хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга даҳлдорлик ҳиссини ошириш, тинчосойишта ҳаётимизда хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидларга қарши кураш олиб бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**












Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

# Жинслараро муносабат (мувозанат)...

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

Ҳа, меҳнат тақсимоти гендер муносабатларни келтириб чиқарган бош омиллардан биридир. Вазифаларнинг дифференциаллашуви гендер муносабатларни янада чуқурлаштирган. Бироқ гендер нотенгликнинг юзага келиши фақат меҳнат тақсимоти натижаси эмас. Антик даврда интеллектуал меҳнат билан асилзодалар, жисмоний меҳнат билан қуйи табақа шуғулланган. Лекин асилзодалар ўз аёлларига нисбатан юқори, ижобий фикрда бўлавермаган. Масалан, антик давр файласуфлари (Платон, Аристотел ва бошқалар) аёллар борасида дискриминацион фикрларни билдиришган. Демак, гендер муносабатлар бошқа омиллар — психологик, маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсирида илдиз отган. Шунинг учун ҳам 20-асрдаги сиёсий-ҳуқуқий воситалар аёллар дискриминациясини бартараф этолмади. Улар етарли эмас.

* * *

Гендер таълим-тарбия аёл ва эркак ўртасидаги фарқларни излашдан эмас, балки аёл ва эркакнинг инсонлигини очиб беришдан бошланиши даркор. Гендер муносабатлар аввало инсон муносабатларидир. Гендер таълим-тарбия ушбу муносабатлар негизидаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиш усули ва воситаларини уларга мувофиқ танлаши керак. Гендер мақсад ва вазифаларнинг ўзига хослиги инкор этилмайди. Аммо улар «ўзи ўзи учун» мавжуд бўлолмайди. Инсоннинг яхлитлиги (бутунлиги)га раҳна солувчи, шубҳа уйғотувчи ғоя, тарбия инсонга хизмат қилмайди. Гендер таълим-тарбия аёл ва эркакдаги инсонга хос фазилатларни янада кўпайтиришга хизмат қилгандагина ўзининг гуманистик вазифасини бажаради.

* * *

Оила — ижтимоий муҳит. Жамият гендер диморфизини ёқлаб, ҳатто қўллаб-қувватлаб келади. Дискриминацияга қарши кескин кураш олиб борган бирорта давр, бирорта жамият ва бирорта оила бўлгани тарихдан маълум эмас. Наҳотки, инсоният дискриминациясиз ривожлана олмаса, жинслараро эксплуатация тараққиёт шарти бўлса? Ҳаттоки, дискриминацияга қарши қонунлар қабул қилинган, кўпгина жамоат ташкилотлари кураш олиб бораётган давлатларда ҳам у тўла бартараф этилмаган. Демак, ижтимоий ва кишилараро муносабатлар ҳали инсонийлашмади. Бозор муносабатлари, рақобат, бойлик тўплашга интилиш, эгоистик саъй-ҳаракатлар муносабатларнинг инсонийлашишига олиб келиши қийин. Ижтимоий ва кишилараро муносабатлар янги бир андозалар, идеаллар асосига қурилиши зарур. Уларни Шри Ауробиндо «ментал муносабатлар» деб атаган. Балки умумий маънавий яқинликни шакллантирмай дискриминацияни бартараф этиш мушкулдир.

* * *

Ҳокимият ва гендер масалаларини тадқиқ этиш гендер фалсафасининг энг қизиқарли йўналишидир. Умуман аёл ва ҳокимият, эркак ва ҳокимият муаммоларини ўрганиш тор гуруҳлар ичида амалга оширилмоқда, аммо уларнинг юқори поғонадаги кўринишлари ҳали эътиборга тушмади. Юқори ҳокимиятга такаббурликка, зўравонликка, нафс ва фаҳшга мойил эркаклар даъвогар бўлиб келаётгани ғоят хайратлидир. Улардаги қаттиққўллик, фитна ва сохта фидойиликни уюштира олиш, ўзини ҳақиқатпарвар, элпарвар кўрсата туриб хусусий ниятларига етиш макри аёлларда деярли учрамайди. Тож-тахт учун ўз яқинларини, ҳатто онаси ва отасини ўлдириш ҳоллари эркакларга хосдир. Аёл юқори поғонага кўтарилганида ҳам аёллик ролларини бажаришни канда қилмайди. Эркакдаги босқинчилик аёлга ётдир.

* * *

Гендер нотенгликни келтириб чиқарган бош сабаб ҳокимият билан боғлиқдир. Ҳокимият эркаклар қўлида бўлиб келаётгани, жамият ҳаётини, давлат бошқариш ва шаклини эркаклар ҳал этиб, белгилаб келаётгани исбот талаб қилмас фактдир. Ҳокимият қаттиққўлликни, қувликни, узоқни кўра билишни, куч ишлата билишни ёқтиради. Аёлга хос юмшоқлик, кўнгилчанлик уни қониқтирмайди. Ўрни келганида у таваккал қилишга ундайди. У жанговар, довюрак, барча масъулиятни, юкни ўз устига олишга тайёр шахсга бўйсунади. Фақат меҳр-муҳаббат, эзгулик, ахлоқ тўғрисида ўйлайдиган киши ҳокимиятга эга бўлолмайди, эга бўлганида ҳам уни қўлида узоқ ушлаб қололмайди. Камдан-кам аёл ҳокимиятнинг ушбу талабларига жавоб беради.

* * *

Хавф-хатар, тўсиқлар, рақобат иродани мустаҳкамлайди. Кишини ҳаётга тик кўз билан қарашга ўргатади. Иродаси заиф ёки ўта шум кишилар ушбу курашдан қочади. Ҳамма нарсани тинч йўл билан ҳал қилишга интилади. Лекин бундай дипломатик усуллар халқаро муносабатларни яхшилашда зарур. У шахслараро муносабатларда ҳар доим ҳам фойда беравермайди. Аёл хавф-хатарларни четлаб ўтишга мойил. Эркак эса рақиб қидиради. Курашиб ҳаётдан маъно топади. У таваккал қилишдан қўрқмайди; таваккал уни дадил мақсадга етишга, бу борада қўполлик, дағаллик ишлатишга ундайди.

* * *

Эркак ҳокимиятга интилганида бутун жамиятни, жумладан аёлларни ҳам ўз хоҳишларига, қарашларига бўйсундиришни ўйлайди. Эркакка халоскорлик ўйларига берилиш хос, бу борада у ўзидан кечишга ҳам шай. Айнан эркаклар динлар асосчилари экани шундандир. Аёл ҳокимиятга интилганида аввало ўз оиласи ва фарзандларини ўйлайди, уларнинг бахтли ва фаровон яшашини кўзлайди. Ҳукмдор аёлнинг стратегик мақсади эркакларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам стратегик мақсадларига мос келавермайди. Умумни, узоқни кўра олмаслик майда, бир кунлик вазифалар билан ўралашиб қолиш аёлни ҳокимиятдан йироқлаштиради. Буни тож-тахт атрофидаги эркаклар дарров пайқайди. Агар улар аёлни қўллаб-қувватловчи бўлсалар унга стратегик мақсад белгилаб, ишлаб берадилар, агар аксинча бўлса, унинг қўлидан ҳокимиятни тортиб оладилар.

* * *

Фармонлар, буйруқлар ёрдамида аёлларни ҳокимиятга киритиш билан гендер нотенгликни бартараф этиш мушкул. Дискриминацияга қарши кураш бутун жамиятнинг вазифасига айланиши зарур. Агар ушбу кураш бошида аёлларнинг ўзи турмаса, гендер нотенгликни бартараф этишда аёллар ташаббус кўрсатмаса, барча саъй-ҳаракатлар бенаф кетаверади. Лекин бу жамият ва эркаклар ёрдамисиз ҳам аёллар гендер нотенгликни бартараф этиши мумкин дегани эмас.

* * *

Демократик жамият учун қайси жинс вакилининг эмас, балки қандай фазилатларга эга шахснинг давлат тепасига келгани муҳимдир. Бундан кейин жамият ҳаётига бир жинс мутлоқ ҳукмронлик қилолмайди. Аммо давлатни бошқаришда қайси жинс вакилларининг юқори мавқега эга эканини ўрганиш гендер фалсафасининг вазифаси бўлиб қолаверади.

* * *

Йўқ, лавозим одамни эмас, балки одам лавозимни бузади. Амалдор бошқаларга ҳукмини ўтказиш, уларнинг тақдирини ҳал этиш имконига эга. Амалдорни кўпинча ён-атрофдаги ходимлари, айниқса тилёғлама, шумният ҳамкасблари йўлдан уради. Танқид амалдорга ёқмайди. Демак, унга ҳамду сано айтувчи тилёғламалар, лаганбардорлар керак. Шундай мунофиқлар ичида ишлаш ва яшаш амалдорнинг қисматидир. Аммо ушбу мунофиқлар амалдорнинг хоҳиш-истаклари билан яратилса ёмон. Чунки бундай амалдорни очиқ танқид қилиш имкони мутлақо бўлмайди.

* * *

Т.Бендаснинг тадқиқоти натижаларига кўра, аёл-лидер эркак-лидердан кўп қувват, куч сарфлайди. Бир хил вазифани бажаришга аёл-лидер бор вужуди билан киришади, ҳар бир нарсага, кўпинча майда-чуйдага аралашаверади. Бу ҳол аёллидер билан ижрочилар ўртасида баҳсларни келтириб чиқаради. Эркак-лидер кам куч сарфлаб, ижрочилар ёрдамида тез мақсадга етишни ўйлайди. У ижрочиларнинг ташаббусига таянади, ҳар бир муаммони босиқлик билан, шошмасдан ҳал этишга интилади. Гуруҳ олдига аниқ ва бажарилиши реал бўлган вазифаларни қўйиши эркак-лидернинг стратегик фикрлашидан дарак беради.

* * *

Шу пайтгача давлат шаклини ўзгартириш, янги қонунлар қабул қилиш, ислоҳотлар ўтказиш ташаббускорлари эркаклар бўлиб келди. Уларнинг асосий ижрочилари ҳам эркаклар эди. 19-асрдан бошлаб аёллар фаоллик кўрсатадиган бўлди. Шундан бери икки аср ўтган бўлса-да, ижтимоий ҳаётда патриархал-дискриминацион одатлар сақланиб қолмоқда. Бунинг сабаблари қуйидагилардир: биринчидан, ижтимоий ўзгаришлар аввало ўз ҳаётига, турмуш тарзи ва оиласига таъсир этишини аёллар дарров англаб етмайди. Иккинчидан, улар эркаклар шовинизмига қарши туриш ўрнига итоатгўйликни маъқул топадилар. Учинчидан, аёлларда жамият миқёсида уюшқоқлик, ташаббускорлик, давлатни ўз манфаатларига хизмат қилдириш ташаббуси етишмайди. Чунки у ўзича ташаббус кўрсатса, шу заҳоти амалидан маҳрум этилишини яхши билади. Гендер нотенгликни бартараф қилиш учун эса норасмий лидер аёл керак. Шундай лидерлари йўқ миллат аёллари эркаклар ва расмий доиралар иньом этган эркни тенглик деб биладилар, нотенгликни оғзаки қораласалар-да, ҳаётда унга итоат этиб яшайверадилар. Эрк мудом кураш билан қўлга киритилганини улар билмайдилар, эсламайдилар.

**(Давоми бор).**

# Хўжамушкент ота зиёратгоҳи



*Ўтмишини билмаган авлодга*
*Худо табассум ҳадя этмайди.*

**БХАРТХАРИ**

## Муқаддима

Жўйлангарлик отахонимиз, Мирзачўл шунқори, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Худоёр ҳожи Латиф ўғли шаҳри азим Тошкентдан келиб, каллаи саҳарлаб каминани уйғотди.

— Тезроқ бўлақол, боболаримиз юртига борамиз, — деди у дабдурустдан. «Тико»га ўтириб, Хўжамушкент бағрига отландик. Бизда боболар ўтмишига ҳурмат, аждодларга эҳтиром бениҳоя юксак. Лекин бундай ўйлаб қарасам, жаҳоннинг 10 дан ортиқ мамлакатларида бўлибману, лекин киндик қоним тўкилган Жўйлангар қишлоғи билан жўғрофий чизиқда қўним топган Хўжамушкентдек муқаддас манзилгоҳ аҳамиятини англаб етмабман. Хўжамушкент авлиё хонақоҳини зиёрат қилганимиздан кейин ўзимни қушдек ҳис қила бошладим.

## «Бойнинг уйи» ёки кечаги тарих

1960 йиллар адоғи эди. Талабалар таътили бошланиб, ҳаммамизни болаларнинг ёзги оромгоҳларига тақсимлаб юборишди. Камина Боёвут туманига қарашли «Шодлик» оромгоҳида тарбиячи бўлиб ишладим. Хўжамушкентни ўшанда биринчи марта кўргандим.

Давр бошқа эди. Ўша замоннинг мафкураси ҳам ўзгача эди. Дам олишга борган болаларни сайрга олиб чиқдим. Уларга ҳозирги Хўжамушкент авлиё зиёратгоҳида маҳаллий мулло Олимбой ўз маблағи ҳисобига 1916 йилда ёғоч, гувалак кесак ва чимдан қурган масжидни «Бойнинг уйи» деб тушунтирдик.

Бугунги кунда бу гаплар эртак бўлиб туюлади. «Бойнинг уйи» қаровсизлиги учунми, кечалари ваҳима уйғотарди. Энди эса ўша қўрқув йўқ, электр чироқлар чарақлаб турибди. Зиёратчиларнинг охири кўринмайди.

Шу ерлик қарияларнинг айтишича, масжидда 1930 йилларда мактаб ташкил этилган. Уруш йилларида етим қолган болалар уйига айланган. Кейинги даврда эса масжид ҳам, авлиё Хўжамушкент ҳоки пойи қўйилган хонақоҳ ҳам ҳувиллаб қолган.

## Бугунги манзара

Хўжамушкент авлиё отанинг ҳоки ётган бу гўша истиқлол йилларида обод манзилга айланди. Аввало, мулла Олимбой масжиди қайта таъмирланди. Сайҳонликка қараб қурилган бетонли зиналар йўлаги шифобахш булоқлар кўз очган жойгача етиб борди. Тепада, Хўжамушкент авлиё ҳоки ётган жойда замонавий хонақоҳ қад ростлади.

Сайҳонликка экилган чинор кўчатлари кўкка бўй чўзиб, шовуллаб турибди. Булоқлар шарқираб оқаяпти. Димоққа анвойи гуллар бўйи уфуради. Кўкрагимизни тўлдириб, нафас оламиз. Муқаддас шу ватан фарзанди эканлигимиздан қалбимизда фахр туйғуси туғён уради.

Худоёр хожи Латипов бир тутам ялпиз териб олди. Кимки чойга қўшиб бир-икки ҳафта ичса, буйракдаги тош деган балодан фориғ бўлади, деди. Яна бир сирли ҳолат диққатимни тортди. Зиёратгоҳга қадам қўйганимизда ёмғир томчилади. Хўжамушкент авлиё ҳақига дуои фотиҳага қўл кўтариб, ортга қайтаётганимизда, яна ёмғир ёға бошлади. Худоёр ҳожи ички ҳаяжонини яширолмай:

— Бундай жаннат қайда бор? — деб юборди.

## Хўжамушкент ота кароматИ

Хўш, бу ерга одамлар назари нега тушган? Нимага бу жойни Хўжамушкент деб атайдилар? Хонақоҳда боқий оламга бош қўйиб, мангу уйқуга кетган бу зот ким?

Зиёратгоҳ мутасаддиси Насриддин Салим ўғли бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Хўжамушкент деб номлари тилга олинаётган улуғ зотнинг асл исми Хўжа ибн Исоқ Али бўлган.

Ривоят қилишларича, у бундан минг йиллар бурун Буқабулоқ ўрнида бўлган қишлоққа келади. Халифаси ҳамроҳлик қилади. Ночоргина яшаётган бир кампирга дейдилар:

— Бизга жой беринг. Йўлда анча толиқиб қолдик.

— Сизларга жой бераман. Лекин егуликни қандай топаман, ҳеч вақоим йўқдир, — дейди кампир.

— Бизга ҳеч нарса керак эмас. Қўналға бўлса кифоя.

Кампирникида тунаб қолишади. Саҳарда кампир яккаю ягона эчкисини соғиб, сутни меҳмонлар олдига қўяди. Катта меҳмон унга дейди:

— Эчкининг сутини човлидан ўтказинг!

Кампир меҳмоннинг айтганини қилади. Қараса, бир коса сут бир пақир бўлиб чиқади. Бу гап теварак-атрофга ёйилади. Кароматгўйни подшоҳликка чақиришади. Подшоҳ буюради.

— Қани, кароматингни бизга ҳам кўрсат!

Кароматгўй айтади:

— Подангиз ичида бир кўк буқа юрибди. Уни сўйиб, одамларга худойи қилинг. Бизга шу буқа терисидек жой беринг. Элингиз тўқ, ўзингиз тинч бўласиз. Сизларга қўшилиб, биз ҳам шу ерда яшайлик.

Унинг илинжи ижобат бўлади. Буқанинг терисини олган меҳмон уни бир жойга дастурхондай ёзади. Ўрнида бир булоқ пайдо бўлади. Маҳаллий аҳоли уни Буқабулоқ деб атайди.

Афсуски, кароматгўй меҳмон ёмонларга ёқмай қолади, уни фисқу фасод қиладилар:

— Теридек кичик жойни олган кимса эртага бутун ҳудудимизни эгаллаб олади. Вақтида уни йўқотмасак бўлмайди.

Подшоҳлик навкарлари уни таъқиб қиладилар. Кароматгўй ғанимдан қочиб, ерга чўкади. Боши узра ёв ўқлари виз-виз этиб ўтади. Буқабулоқдан қочиб, ҳозирги Хўжамушкент авлиё хонақоҳи деб аталадиган жойга келади. Таъқибчилар ёвузликни тўхтатмайдилар. Камонлардан ўқ узиб, изма-из келаверади. Авлиё ота ўзини панага олади. Орқаси билан тепалик ёнида тиралади. — Ўша жой ҳозир ҳам ўйдим ҳолда сақланиб қолган. Ўнг елкаси теккан жойдан Иситма, чап елкаси тарафдан эса Қўтир булоқлари отилиб чиқади. Таъқибчилар ўқлари теккан жойлардан ҳам сув тизимчалари оқиб турибди. Илгари уларни севгилисига етолмаган қизнинг аламли кўз ёшлари деб уқтирган эдилар.

Кароматгўй ота қараса, бу ер ҳам хатарли. Янада юқорига кўтарилиб, қирнинг тепаси томон тирмашиб чиқади. Иложсиз қолиб жон-жаҳди билан дейди:

— Ер, ёрил! Мени бағрингга ол!

Ерга икки мушти билан уради. Бирдан ер ёрилиб, иккита ғор пайдо бўлади. Кароматгўй ота ғорга кириб, жон сақлаб қолади. Ривоят қиладиларки, шу ердан ғорга кирган одам бориб-бориб, Маккаю мукаррамадан чиқар эмиш.

Эҳтимол бу бир афсонадир. Бироқ унутмаслик жоизки, ҳар қандай афсона ёки ривоят ўзагини ҳақиқат ташкил қилади. Аждодлар ҳақиқати эса келгуси авлодларга ривоят ва афсона тарзида етиб келади.

## Шифобахш булоқлар шарофати

Хўжамушкент авлиё зиёратгоҳи шайхи Насриддин Салим ўғли бизни ғаройиб булоқлар сари чорлади. Ёши асрларга тенг тол дарахтлари оралаб юрдик. Айримлари букчайиб қолган мўйсафидни эслатади. Шайхдан сўрадик:

— Толларнинг ёши неча йил деб ўйлайсиз?

— Камида икки-уч юз йилга боради.

Сайҳонлик ёқасида кўкка бўй чўзган. Атрофга ёйилаётган шохлари, айниқса, ям-яшил япроқлари мусаффо тоғ шамолида шовуллаб турибди. Ниҳоят, булоқларга яқинлашдик.

— Мана буниси, — деди шайх, — Иситма булоқ. Кимки сувидан ичса, иситма дардидан фориғ бўлади.

Кейингиси Қўтирбулоқ деб аталади. Ювинсангиз, яна бир дарддан шифо топасиз. Агарда Ниятбулоқдан сув ичсангиз, ниятларингиз ижобат бўлади. Муродбулоқ суви эса муродмақсадингизга эришиш йўлида сизга қувват бўлиб хизмат қилади. Қизиғи шундаки, барча булоқлар ота Буқабулоқ томонга оқаяпти.

Демак, Буқабулоқдан сув ичиб, унда чўмилсангиз, ҳамма хасталиклардан шифо топишингиз ҳақиқатдан йироқ эмас. Яна хулоса шуки, бугунги Хўжамушкент авлиё зиёратгоҳи — барча ниятлар, орзу ва истаклар, мурод ва мақсад ижобат бўладиган муқаддас жой. Хулосаларимизни қуйидаги мисоллар тасдиқлайди.

## Ниятлар ушаладиган қадамжо

Ҳазрат Хўжа ибн Исоқ Али, яъни Хўжамушкентбобо билими, қудрати ва ақл-заковати билан авлиё даражасига етишган.

Орадан минглаб йиллар ўтибдики, одамлар муқаддас бу қадамжога нажот излаб келадилар, фарзанд кўрмаганлар Авлиё Хўжамушкент отамиз қабрига бош уриб, тупроғини кўзларига тўтиё, ҳокларини юзларига тавоб қиладилар. Беморлар дарддан халос бўладилар.

— Айтишларича, — деб шаҳодат беришади «Янгиобод тонги» газетаси муҳаррири Ҳусанбой Холбоев ва журналист Орифжон Холназаров, — эллигинчи йиллар адоғида узоқ вақт фарзанд кўрмаган зоминлик киши ўз жуфти ҳалоли билан Хўжамушкент авлиёга келиб сиғинади ва худодан фарзанд сўраб беришини илтижо этади, чироқ ёқади, худойи қилади. Орадан бир йил ҳам ўтмасдан тирноққа зор оилада ўғил чақалоқ дунёга келади.

Яна айтишларига кўра, Зарбдорнинг Оқбулоқ қишлоғида яшовчи Бахтиёр Эралиев кўзлари кўрмай қолган синглисини зиёратга олиб келади. Юракдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деган гап бежиз айтилмаган экан. Мунглиғ сингилнинг кўзлари очилади. Орадан кўп вақт ўтмай Б.Эралиев Авлиё ота шарафига пишган ғиштдан ажойиб кошона тиклади.

Истиқлол туфайли Хўжамушкент худди Ҳумо янглиғ қайтадан қанот қоқаяпти. Зиёратгоҳда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини таърифлаб бўлмайди.

Зиёратга келувчиларнинг охири кўринмайди.

Хўжамушкент каби азиз-авлиёларнинг руҳи халқимизни қўллаётганлигига бугунги файзиёб кунларимиз мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД,**
**Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси**

## Огоҳлик — давр талаби



# Ўз уйингни ўзинг асра

**С**ўнгги йилларда терроризм турли-туман шаклларда намоён бўла бошлади, у муайян давлат ҳудудидан чиқиб, умумбашарий муаммога айланди. Ушбу ҳодисадан жабр кўраётган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, терроризмга қарши жаҳондаги барча давлатлар биргаликда, ҳамжиҳатлик билан курашишлари лозим.

**М**инг шукуркм, юртимизда халқ тинчлиги ва хавфсизлигига қарши бундай жиноятлар камайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид соладиган материаллар тайёрлаш ёки тарқатиш, диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, иштирок этиш каби жиноят содир қилган жиноий гуруҳ ишини кўришга тўғри келди.

**И**сломдан ғайриинсоний мақсадларига ниқоб сифатида фойдаланган бу жиноий гуруҳнинг фаолиятига ўз вақтида нуқта қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2001 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра қотиллик жинояти учун 11 йилга озодликдан маҳрум бўлган Набижон Орипов ўзига тегишли хулоса чиқара олмади. Озодликка чиққач, Муборак туман ҳудудида Назар Холдоров, Содиқ Ҳайитов ва бошқалардан иборат диний экстремистик гуруҳ тузади. Улар ўзларининг сохтакор ғояларига яна бир қанча кишиларни (уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилиши жуда ачинарли ҳолдир) ишонтирдилар. Натижада жиноий гуруҳнинг сафи кенгая борди. Уларнинг қабиҳ нияти тинч-осойишта ҳаётимизга раҳна солиш эди. Улар бу ниятга осонлик билан етиша олмаслигини англаб етмаган эдилар. Акс ҳолда бундай йўл тутишмаган бўлармиди? Уларга йўл-йўриқ кўрсатган «пешво»ларнинг диний билими анча бўш эканлигини қилган амалларидан ҳам кўриш мумкин. Зеро, мўмин кишининг тилидан, қўлидан, таъбир жоиз бўлса, ўй-хаёлларидан ўзгалар зарар кўрмаслиги лозимлиги ҳақидаги ҳадисларнинг мавжудлиги айни ҳақиқат-ку!

**М**ана шундай ҳолатларни назарда тутиб, келажагимиз ворисларини юксак маънавият эгаси қилиб тарбиялаш муҳим вазифалар сирасига киритилмоқда. Ўқувчи, талабалар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш йўлга қўйилди.

**Ю**ртбошимизнинг «агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким, ҳеч қачон енга олмайди», деган сўзларини ёддан чиқармаслигимиз керак.

**Р.БЕКНАЗАРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди судяси.**
**Н.ҚЎЗИЕВА,**
**Қарши давлат университети катта ўқитувчиси**

# Нормал иш вақтидан четга чиқиш ҳолатлари ва меҳнат таътиллари бўйича буйруқлар қандай тайёрланади? Мазкур тоифадаги буйруқларни тайёрлаш учун нималарни билиш керак?

**Бу ҳақда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши юридик бўлими мудири Абдусалом Рисқуллаев изоҳ беради**

*Нотўғри:*
**Иш берувчи ходимни унинг розилигисиз иш вақтидан ташқари ишга жалб этади.**

*Тўғри:*
Бу ноқонунийдир. Ишдан ташқари ишларга фақат ходимнинг розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

Бу эса, ҳатто алоҳида ҳолларда, вакиллик органининг розилиги бўлган тақдирда ҳам, иш берувчи ходимни унинг розилигисиз ишдан ташқари ишларга жалб этишга ҳақли эмаслигини билдиради.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи қисқартирилган иш вақти белгилаш ҳуқуқини берувчи нормал иш вақтида бажарилган ишларни ишдан ташқари иш деб ҳисобламайди.**

*Тўғри:*
Иш берувчи у ёки бу тоифадаги ходимларга қонунчиликда қисқартирилган иш куни ўрнатилганини ва уни ўз вақтида белгилашни билиши керак, чунки белгиланган иш вақтидан ортиғи ишдан ташқари иш ҳисобланади.

*Нотўғри:*
**Иш вақтидан ташқари ишга бир ҳисса микдорида тўланади. Иш вақтидан ташқари ишнинг йўл қўйиладиган меъёрининг давомийлиги ҳисобга олинмайди.**

*Тўғри:*
Иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати 2 кун давомида 4 соатдан (иш шароити ноқулай, зарарли ва оғир бўлган ишларда бир кунда икки соатдан), йилда бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак.

Ишдан ташқари ишларнинг ҳисоби цех ёки участка бошлиғи томонидан алоҳида юритиладиган китобда, шунингдек, ҳисобхонада (ҳисоб китобчасида) белгилаб борилиши керак.

*Нотўғри:*
**Иш вақтидан ташқари ишлашга розиликни касаба уюшма қўмитасининг раиси беради.**

*Тўғри:*
Унинг бундай қилишга ҳаққи йўқ. Бу эса ҳатто касаба уюшма қўмитасининг розилиги бўлган тақдирда ҳам бундай ишга фақат ходимнинг розилиги бўлгандагина йўл қўйилишини билдиради.

*Нотўғри:*
**Иш вақтидан ташқари иш отгул билан компенсация қилинади.**

*Тўғри:*
Ходимнинг илтимосига кўра ишдан ташқари ишлаган вақтига тенг бўлган вақт билан компенсация қилинади. Компенсация қилинган тақдирда, иш ҳақи бир ҳисса миқдорида тўланади.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи иш вақтидан ташқари ишга ҳомиладор аёлларни, 3 ёшгача боласи бор аёлларни жалб этади.**

*Тўғри:*
Ҳомиладор, 14 ёшгача (16 ёшгача ногирон) боласи бор аёллар умумий тартибда, уларнинг розилиги билан ишдан ташқари ишларга жалб этилишлари мумкин.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи меҳнат таътили бериш навбатини белгиламайди.**

*Тўғри:*
Йиллик таътилларни бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи ходимга биринчи иш йили учун меҳнат таътилини 11 ой ўтганидан кейин беради.**

*Тўғри:*
Биринчи иш йили учун меҳнат таътили олти ой ишлагандан кейин берилади.

Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

аёлларга – ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;

I ва II – гуруҳ ногиронларига;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

муддатли ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;

ўриндошлик асосида ишлаётганларга – асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутоносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар хажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (МК 100-модда иккинчи қисмининг 1-банди).

*Нотўғри:*
**Меҳнат таътили пуллик компенсация билан алмаштирилади.**

*Тўғри:*
Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларнинг иш даврида, уларнинг ҳохишига кўра, йиллик таътилнинг энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътилларнинг барчаси асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

*Нотўғри:*
**Иш берувчининг буйруғига асосан ходим меҳнат таътилидан чақириб олинади.**

*Тўғри:*
Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Ходимнинг таътил тугамасдан олдин ишга чиқиш тўғрисидаги буйруқни бажаришдан бош тортиши меҳнат интизомини бузиш деб ҳисобланмайди.

*Нотўғри:*
**Таътил кетма-кет бир неча йил учун берилмайди.**

*Тўғри:*
Меҳнат таътили ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Бир неча йиллик меҳнат таътиллари қўшиб берилиши мумкин, чунки Меҳнат Кодексида бирон бир чеклашлар назарда тутилмаган.

*Нотўғри:*
**Фойдаланилмаган меҳнат таътиллари бир неча йилдан сўнг куяди.**

*Тўғри:*
Меҳнат таътилига қонун муддат ўрнатмаган.

Иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи орган ходимнинг пул ундиришга доир фойдаланилмаган таътил учун компенсацияни тўлаш тўғрисидаги талабини тўлиқ қондиради (компенсация чегараланмаган йиллар учун тўланади).

Меҳнат таътилидан натура шаклида фойдаланишга бўлган ҳуқуқ низо бўлган тақдирда ҳам куймайди.

*Нотўғри:*
**Йиллик таътилларнинг муддати беш кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Меҳнат таътилининг иш кунларига шанба, якшанба ва байрам кунлари қўшилади.**

*Тўғри:*
Таътилларнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календар бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқилади. Шанба куни меҳнат таътилига киритилади ва унга ҳақ тўланади.

Таътил даврига тўғри келиб қолган, ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

*Нотўғри:*
**Қўшимча таътиллар (зарарли иш шароити ва б.учун) 12 кунга қўшилади.**

*Тўғри:*
Улар асосий меҳнат таътили – 15 кунга қўшилиши керак.

*Нотўғри:*
**Ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили берилмайди.**

*Тўғри:*
Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Меъёрий ҳужжатларда таътил муддати белгиланмаганлиги сабабли, у исталган муддатга берилади.

Иш ҳақи сақланмаган таътил муддати ва сабаби ҳамда унинг зарурияти кўрсатилган ҳолда иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши лозим.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;
- икки ёшдан уч ёшгача болани парвариш қилаётган аёлларга (МКнинг 234-моддаси)
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга (МК 232 – модда).
- меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш тўғрисида буйруқ берганда унда кейинчалик ишлаб бериш шартини кўрсатади.**

Бу ноқонунийдир.

*Нотўғри:*
**Иш берувчи ходимни розилигисиз уни иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқариб юборади.**

*Тўғри:*
Ҳар қандай ҳолатда ҳам иш берувчи ходимнинг розилигисиз уни иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқариб юборишга ҳақли эмас.

## Солиқ ва биз

### Қинғир ишнинг қийиғи...

Халқимизда «Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади» деган гап бор. Бироқ бу нақлга ишониб ножўя қадам ташлашнинг охири албатта вой бўлади. Муҳаммадали Усмонов буни англаганда анча кеч бўлган эди.

У «Муҳаммад Акром» хусусий корхонасини Наманган шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказди. Улгуржи савдо билан шуғулланиш учун чекланмаган муддатга лицензия олиб, 2007 йил 27 октябрдан 2008 йил 4 январгача 289.604.400 сўмлик товар айланмасини амалга оширди. 114.594.700 сўмлик турли ликвидли маҳсулотларни бозорларда нақд пулга сотиб, пулини банкка топширмасдан савдо қоидаларини бузди.

Унинг кирдикорлари тегишли орган ходимлари томонидан фош этилиб, муносиб жазосини олди. Муҳаммадалининг бу «тадбиркорлиги» бошқаларга ўрнак бўлиши лозим.

**Я. ДАВРОНОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаменти Наманган шаҳар бўлими бошлиғи**

### Қонунбузарлар фаолиятига чек қўйилди

Эртаклар — яхшиликка етаклар, деган гапда чуқур маъно бор. Каримжон Усмонов ёлғончи чўпон ҳақидаги эртакни ўқиганда балки бугун мушкул аҳволга тушиб ўтирмасмиди.

У Баҳодир Мирзахалилов ҳамда Тоҳиржон Ҳабибуллаевни ёлғон гапларига ишонтира олди. Кейин ҳеч иккиланмай «Кадо таъмир савдо сервис» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида устав фондини шакллантирмасдан таъсисчиларнинг таъсис шартномасини тузди. Унга Б.Мирзахалилов 12.000.000 сўмлик 10 тонна арматура топшириб, низом жамғармасининг 30 фоизига ҳамда Т.Ҳабибуллаев 13.000.000 сўмлик 10 тонна лист топшириб, низом жамғармасининг 40 фоизига эга эканлиги ҳақидаги сохта ёзувни киритиб, нотариусга тасдиқлатиб олди. Сўнг туман ҳокимлигидан лицензия олиб, улгуржи савдо билан шуғулланиб келди.

«Кадо таъмир савдо сервис» фаолияти давомида 74.130.000 сўмлик юқори ликвидли маҳсулотларни сотиб юбориб, нақд пулни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, бошқа мақсадларга ишлатиб юборган.

Б.Мирзахалилов Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Наманган вилояти бўлими 1-тоифали мутахассиси Барно Инъомова билан тил бириктириб, солиқ ва бошқа тўловлардан 2.413.300 сўм қарзини тўлашдан бўйин товлаб давлатга катта миқдорда зарар етказган.

Қонунбузарларнинг фаолияти узоққа чўзилмади. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари чек қўйди.

**Б.ҲОЖИЕВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаменти Наманган туман бўлими бошлиғи**



# Илонлар салтанати

## ёхуд Боботоғ аждари

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Аммо воқеа биз ўйлаганчалик равон тугамайди. Карим уйига боргач, телбаликка дучор бўлади, кеча-кундуз ўша тўқайзорга бориш иштиёқида ёнади. Лолахон бобом ҳаёт пайтларида боғбонлик касбидан ташқари қорилик ҳам қилар экан. Илон, қорақурт, чаён чаққан кишиларни афсун ўқиш билан захрини чиқариб ташлар, тутқаноқларни, телбаларни дуо билан даволаш йўлларини ҳам яхши билса-да, ўта камгап одам бўлган экан. Одамлар бобомнинг исмларини айтиб олдига боришни ният қилса иситма, бод касали, тиш оғриғи кўчага чиқишлари билан барҳам топаркан. Каримнинг ота-онаси бобомга илтимос қилиб, уни илоннинг гипнозидан бир амаллаб қутқариб олишган.

Ҳаммаси яхшилик билан тугагач, бобом кунларнинг бирида отамга ўзининг отаси Қорахон бобонинг Денов бозорига бориш йўлида илонларга дуч келиши билан боғлиқ ҳикоясини айтиб берибди. Денов жуда қадим жой бўлганлиги сабабли анча йиллар олдин ҳам бозори гавжум бўлган. Одамлар бозорга отда, эшакда ботқоқликларни оралаб боришар экан. Қорахон бобо бозорга борса, ҳамма томонда ваҳима, бозорга келишга чапроқ бўлган чакалакзорда бир аждар пайдо бўлиб, майда молларга қирон келтираётган эмиш деган гап. Ўз навбатида Қорахон бобо отаси Муҳаммади бободан бу жой ҳақида эшитган ва бозорга келишда у ердан узоқроқ юрар экан.

Орадан анча вақт ўтгач бозорга бораётиб чакалакзорда тўпланиб турган одамларнинг устидан чиқибди. Сўраб-суриштириб сабабини билибди: бу жойдаги илон бир-иккита ёш боланинг умрига зомин бўлган, Денов беклиги мажбуран морбоз чақиришга қарор қилган экан. Бобом ҳам морбозлик илмини кўргани ихтиёрсиз равишда оломонга қўшилибди. Шунда морбоз оломонга мурожаат қилиб, ҳозир ўлим билан олишажагини, бир нарса бўлса аждарга ем бўлишини айтиб, чакалакзордан узоқ туришларини илтимос қилибди.

Оломон узоқлашгач, морбоз чакалакзор тарафга учта кўндаланг белги чизибди ва бек одамларига: «Мен илонни илм билан авраймaн, кучим етса аждар шу белгилардан ўтиб олдимга келади. Офатдан қутуласиз, унинг бошини кесиб оламан», — дебди.

«Кучим етмаса менинг ўзим уч белгидан ўтиб аждарнинг домига тортиламан, белимга арқон боғланглар, мабодо шундай бўлса, мени тортиб олинглар, қочиб қутуламиз», — деб огоҳлантирибди. Бу маҳалга келиб вақт чошгоҳ бўлган экан, морбоз ишини бошлабди. Одамлар ваҳимага тушиб, айримлари бу ердан кетибди, баъзилари, жумладан, Қорахон бобом ҳам юрак ютиб охиригача туришга жазм этибди.

Эрталаб соат 8 дан кечки 17 гача икки тараф афсун билан беллашибди. Ниҳоят аждар чакалакзордан ўрмалаб чиқиб, биринчи белгига бошини қўйиб жим қолибди.

Аждарнинг важоҳатидан оломон тахта бўлиб қотиб қолган, бунинг устига илоннинг ёши, гавдасининг катталиги сабабли морбознинг силласи қурий бошлабди. Аждар иккинчи белгига бошини қўйгач, бекликнинг одамлари ҳам ваҳимага тушиб қолишибди. Хуллас, илон билан морбоз орасида икки қулочга яқин масофа қолади. Масофа қисқариб бориши ҳаммани ваҳимага солади ва арқон ушлаб турган бек одамларидан бири «фалончи, қоч!» деб бақириб юборади.

Афсун гирдобида ётган аждар бирдан сергак тортади, морбоз эса ҳайқириққа чалғиб афсун сўзларини адаштириб юборади. Бунинг устига ўн соат тинмай афсун ўқиган морбоз каловланиб йиқилиб қолади ва аждар уни чирқиратиб чакалакзорга тортиб кетади. Бундан даҳшатга тушган оломон тўрт тарафга қочади. Шу йўсинда уйга келган бобом отасига воқеани сўзлаб берибди. Муҳаммади бобо воқеа тафсилотини эшитгач, агар бекнинг одамлари морбознинг исмини айтмаганида у илонга емиш бўлмас эди, иложи бўлса Денов беги икки морбозни бирдан ишлатса ёмон бўлмасди деб фикрини баён қилибди.

Энг ҳайратланарлиси, ўша аждар кейинчалик худди шундай усул билан бартараф этилган экан.

### КАШМИРЛИКЛАР СОВҒАСИ

Талаба бўлган инсон унинг унинг нега «олтин давр» деб аталишини албатта яхши тушунади.

Шундай даврда, аниқроғи таҳсилни якунлаш арафасида бир воқеа юз берди. Курсдошларимнинг цирк келибди, антиқа томошалар кўрсатилаяпти деган гапларига эътибор бермадим.

Бир ойлардан бери қишлоққа бормаганлигим сабабли уйдагилардан хабар олгани кета туриб, циркда йог машқларини бажараётган йигитга кўзим тушди, беихтиёр томошага бордим. У мушти билан ғишт синдирар, шиша синиқлари устида ётар, лекин зиён кўрмас эди. У номерини тугатгач, хонаси томон юрди, мен ҳам изидан бордим-да мушт уруштиришни таклиф қилдим.

Аввалига у қўлларимга қараб ажабланди, кейин рози бўлди. Фақат янги номерларимни кўрсатиб бўлиб бирор нарса уриб синдириб кўрамиз деди.

Унинг янги номерлари тезда тугайвермагач, мен уйга кетдим. Орадан бир-икки кун ўтгач институтга қайтиб келдим. Мени кутиб турган экан. Синов бошланди. Гапнинг очиғи, мен у бажарган трюкларнинг юздан бештасини аранг бажара олдим, холос.

Шу баҳона у йигит билан танишиб, дўстлашиб кетдим. Исми Пўлат экан. Дарсдан бўш пайтларим унинг олдига бориб цирк санъати билан таниша бошладим.

Циркчилар битта номерни даврага олиб чиқиш учун анча машаққат чекишларининг гувоҳи бўлдим.

Бундан ташқари Пўлатда гипнозчилик қобилияти ҳам бўлиб, кўз олдимда турли ўйинларни кўрсатар, одамнинг қойил қолмасдан иложи йўқ эди.

Ўйин қарталарига буйруқ берса бас, «дама», «валет» ёки «қирол» навбат билан жони бордек қарта тахламидан чиқиб кела бошларди. Бошқа ҳолатларда қарта ўрнидан тик турар ёки занжир бўлиб тизилиб қолар эди.

Менинг ҳам қизиқиб қолганимни кўриб, қора кунларда керак бўлиб қолар деб ўргатмоқчи ҳам бўлди, роса ҳаракат қилдим, аммо бирортасини ҳам эплай олмадим. У озгина бўлса ҳам худо берган қобилият бўлиши керак, акс ҳолда бирор нарсани қойиллатиш қийин деди. Гоҳи улар томоша кўрсатган жойлардаги ҳангомалар ҳақида гапириб берар эди.

Кунларнинг бирида у билан циркдаги ўргатилган илонлар ва ёввойи илонлар ҳақида баҳслашиб қолдик.

Пўлат дабдурустдан менда ҳам катта илондан бир эмас, иккита бор деб қолди. Ҳазил қилаяпти деб ўйладим, агар рост бўлса кўргани бораман, катта илонларни олдин ҳам кўрганман дедим.

Орадан бир-икки кун ўтгач, илонларни кўрмайсизми деб келди. У шўх бўлгани сабабли навбатдаги ҳазили деб ўйлаб, ишонқирамай хонасига жўнадим.

Қоқ туш пайти ҳар кун юрадиган йўл ёқалаб бордик ва бир жойда тўхтадик. Мен сабрим чидамай «ошна, илондан дарак ҳам йўқ-ку?» дедим ва у ишора қилган тарафга қарадим. Биз турган жойдан икки метрча нарида бир нарса кўзларини лўқ қилиб ётибди, кўринишидан нақ симёғочдай келади-ёв.

Оёқларим ўзимга бўйсунмай қолди...

Пўлат қўлимдан тортиб нарироққа олиб кетди, анча вақтдан кейин ўзимга келдим. У шу орада илонни қафасга обориб қулфлаб келди.

— Бунақа катта илонни тасаввуримга келтирмаган эдим, гангиб қолдим, — дедим.

— Ҳечқиси йўқ, ҳамма ҳам биринчи марта шундай ҳолатга тушади, — деди у.

Дарҳақиқат, ўша илонни беш-олти марта кўрганимдан кейин анча ўрганиб қолдим. Пўлатнинг олдига суҳбатлашгани, чой ичгани борган пайтларимда у анакондани дастурхон четига қўйиб ички кўйлагини унинг олдига ташлаб қўяр ва ҳар эҳтимолга қарши шундай қилган маъқул дер эди.

Шундай пайтлари бир метрча жойдан уни обдон томоша қилар эдим.

Анаконда ҳар нафас олганида танаси шишиб кетар, нафас чиқариши билан асил ҳолига қайтарди. Бир-икки марта уни ушлаб, силаб-сийпалаб кўрдим, танаси жуда бақувват, тошдек қаттиқ, ялтиллайди, лекин совуқ эди.

Пўлат «Ошна, мен йўқ пайтимда олдига асло яқин борманг, мулойим кўринса-да яшин тезлигида ҳаракатланади, бўғиб олса суякларни майдалаб ташлайди, эҳтиёт бўлганингиз яхши» деб такрорлашни унутмасди. Иккинчи илони эса питонлардан экан, пўст ташлаяпти, ҳам аччиғи тез деб у ҳақда гапиришни маъқул кўрмади.



У севимли анаконда илони ҳақидаги ҳикоясини шундай бошлади:

— Мен болалик пайтимда циркка жуда қизиқар эдим, айниқса йог машқларини жуда ёқтираман.

Тақдир тақозоси билан ўн ёшимда Кашмир деган жойга бориб йог машқларини ўрганишимга тўғри келди. Борган куним биринчи йоглар подшосининг олдига олиб боришди. Синовдан яхши ўтдим ва умримнинг етти йилини йоглар билан бирга ўтказдим.

Ўша ерда инсоннинг кўп нарсаларга қодирлигини ўз кўзим билан кўрдим. Уларнинг дунёси бизларнинг яшаш тарзимиздан кескин фарқ қилар экан.

Ҳамма тараф ибтидоий чакалакзорлар билан қопланган, ҳар хил мевалар, турли қушлар, нимаики нарса бўлса ҳаммаси мавжуд.

Ейдиган овқатимиз фақат ҳўл мева, совуқ сув ва оддий нондан иборат. Ўша жойда қанча яшаган бўлсам, бирор марта гўшт емадим, йоглар умуман гўшт истеъмол қилмас, организмни очликка ўргатиб, мўъжизалар кўрсата олар экан.

Жодугарликнинг ҳаммасини ўша ерда кўрдим, таърифга сўз тополмайман.

Анча пайтгача ҳайратланиб юрдик, кейинчалик бу нарсаларнинг асил мазмунини тушуниб етдим. Ҳаммаси махсус машқларнинг ҳосиласи экан.

Йог машқларини тугатиб имтиҳонларни топширгач, уйга — Ўзбекистонга қайтаётганимда йоглар мана шу илонни совға сифатида беришган эди. Уйга олиб келганимда атиги 25 см эди, ҳозир 3 метрдан ошиб қолди, ўзининг овқат харажатини 100 баравар ошириб топаяпти...

Талабалик даврим якун топаётгани боис навбатдаги имтиҳонлар бошланди, бунинг устига никоҳ тўйимиз ҳам бўлиши керак. Пўлат билан кам кўришадиган бўлиб қолдик, мен битириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраман. У томоша кўрсатгани туманларга жўнаб кетади.

Охирги имтиҳонни топшириш арафасида уни тўйга айтмоқчи бўлиб роса кутдим, июн ойлари эди. Ниҳоят улар келишди, нарсаларини туширишни ёрдамчиларга буюриб, олдимга келиб саломлашди. Кейин эса кула-кула бир воқеани сўзлаб берди.

Бугун нима бўлибди-ю, иккинчи илони яшикда қолиб кетибди, анаконда овқатланиши кераклиги учун олиб кетишмаган экан (мен унинг қуённи ютганини кўрган эдим). Томоша кўрсатиладиган жойга бориб қарашса, илон йўқ. Томошабинлардан унисига айтибди, бунисига айтибди — унамабди. Шундан кейин уларга қарата фалон пул бераман, ким боради деса, бир бақалоқ одам катта пулнинг дарагини эшитиб боришга рози бўлибди.

(Давоми бор).

**Мурод ЛОЛАХОНОВ,**
**Узун туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси**

Маъсума АҲМЕДОВА



Ҳикоя

# Бегим кунлар

Бугун ҳавонинг заҳри кетди. Кун илжайди. Кампир ҳассасига таяниб, аста айвонга чиқди. Ҳовли бурчидаги қайрағоч шохларида қушлар чуғурлади. Кеча ёмғир илвиллатиб кетган боғлардан ҳовур кўтарилди. Қоп-қора лайча кучук у ёндан-бу ёнга irғиди, шалпангқулоқ бола, «маҳ-маҳ», дея кучукни олкишлади.

Кампир зиналардан аста-аста туша бошлади. Лайча ликиллаб келиб, кампирнинг оёғини искади. Кампир ҳассасининг учи билан лайчани туртди. Лайча ингиллаганича нари кетди.

— Тилаб олган ёмғир бошга бало. Буни қарагин-а, Ўзинг бир ит, яна изингдан ит етаклаганингга ўлайми. — Кампир болага қараб вайсади.

Бола итни олиб нари кетди.

— Ҳа-а... — кампир узун сўлиш олди, кун мўлроқ тушиб турган, хийла қуриган ёғоч харракка ўтирди.

Дарахт тагига тўкилган барглар турли тусда товланди. Гала чумчуқ чирқиллаб пешайвонга қўнди.

— Ҳа, қирқинда кетларинг-а, — ориққина сарғиш жувон пешайвонга ёйилган майиз томон чопди.

Чумчуқлар «гурр» этиб ҳавога кўтарилди. Рўпарадаги яланғоч дарахтга ёпирилиб қўнди.

— Ойи, қарасангиз бўлмайдими. Бунақада бор майизни еб битиради-ку, — жувон таънаомуз кампирга қаради.

— Ҳа, энди мен сенга шолипоядаги қўриқчи бўлдимми! — кампир иддао билан юзини терс бурди. – Мен сенга қайнона эмас, келинман, келин!

Жувон бир муддат оғиз жуфтлаганича жойида туриб қолди. Шундай оғзига келиб турган гапни зўрға қайтарди. Унинг нима демоқчи бўлганини қайнона тушунди. «Ҳа, сиз менга қайнона эмассиз!»

Кампир ҳассасини бошқатдан нам ерга ботирди. Аста вужуд-вужуди илиди. Кун кифтларини илитди, баданига хуш ёқди. Кўз олди живир-живир қилди. Хаёли йироқлаб кетди.

* * *

Само шишадай, ариқдаги зилол сувдай тиниқ. Боғни гир ўраган жийдазор гулга кирган, гул иси бошни гангитади.

«Тўқ, тўқ, тўқ!»

Келидаста бир меъёрда уриб турибди.

Кўйлагини липпасига қистириб олганича келида жўхори туяётган Шаҳодатга келинойиси шивирлаб кетди:

— Сизни ўша келганларга нон синдирди.

Шундан буён юрагига ваҳима оралади. Бунгача ҳеч бундай ҳолатга тушмаган эди. Шаҳодат ҳозирга қадар товонларигача зирқиратиб юборган ўша кунни унутолмади.

Худойимдан айланай, кейин бир кунлар бўлдики, йили бир тутам бўлди. Кўп кунлари ёддан кўтарилди.

Умрида бир кунлар бўлдики, уввало эсдан чиқарайин деди, чиқаролмади. Кўз очиб кўргани ойдай ярқираган келинчакка қайрилиб қарамади, бир оғиз ширин сўзни раво кўрмади. Ёстиқ қучоқлаб уф тортди.

Келинчак кўча-кўйнинг гапига қулоқ тутмади. Тўғриси, қулоқ тутгиси келмади: Меҳриддиннинг бошқа суйгани бор эмиш. Шаҳодатга кўнгли йўқ эмиш... Бу шивир-шивирлар қандай қилиб раҳматли дадасининг қулоғига етди, билмай қолди. Эрта салқинда кув пишаётиб, қўллари орқасида, боши эгик дадасини ҳовлида кўриб нақ эси тескари бўлди.

— Юр, қизим, кетамиз. Кундошликка кун битмас, кун битса-да, бутун битмас.

Э-ҳа, ўтган умрини гапираверса... бу дунёда нимаики бор — бари ўткинчи экан. Иккинчи эрнинг юзи қурсин. Шаҳодат у билан ўтказган ёруғ кунни эслолмади. Ой келгунча кун санаб, умидвор бўлди — умидлари пуч чиқди. Фарзандталаб эрнинг, болага зор хотиннинг тилаклари ижобат бўлмади.

Бир кун тонгда сигир соққани бораётган хотинини эр тирсагидан тутди:

— Ишингни қўятур. Юр, ойингникига борамиз. Бир туш кўрдим, юрагим ғаш.

Шаҳодат шошилинчда: «Қандай туш кўрдингиз, айтинг-чи аввал», дейиш хаёлига келмади. Тешик калишини алмаштириш хаёлида йўқ, тунд эр изидан югургилади. Эр йўл бўйи чурқ этмади, у эса бирор нима дермикин, дея оғиз пойлаб илҳақ борди.

Шу зайл олдинма-кетин ота уйига кириб келдилар. Чўлтоқ супурги билан ариқча балчиғини тозалаётган она уларни кўриб жойида қотди.

— Ҳа, худога шукур, эсон экансиз, — дея куёв ғудранди. — Бўпти, мен борай, бу сиз билан ўтирсин.

Эри ияги билан унга имо қилди. Бир муддат эсанкираб қолган она аста ўзига келиб, куёвга манзират қилди:

— Уйга киринг, чой ичинг.

Куёв кўнмай, изига қайтди. Бирдан Шаҳодатнинг эсига соғувсиз қолган, подага қўшилмаган сигири тушди:

— Ҳой, менга қаранг. Назирага тайинланг, сигирини соғиб қўйсин, соғмаса... — шу пайт биқини ўйилди.

— Ҳа, пешонаси шўргина-я... Ҳу, шумбахт-а... сигир соғувсиз қолса, ундан нарига бормайдими. Сенга нима! Уйинг бузилди-ку, бебахт! – онаизор зориллаб йиғлади.

Шаҳодат дабдурустдан нима гаплигини англамай анқайди. Соддалиги қурсин. Жувонмарг кетгур эри хотин қўйибди-ю, у тушунмабди, нодон...

Ҳай, ўша кунлари қурсин...

— Чиққан қиз ёвдан ёмон. Энди икки эрни эскитдинг. Бунисига йўқ дема, боласи бор, боланг бўлади, — раҳматли онасининг сўзлари қулоқлари остида жаранглади.

Вой, тавба, вой, тавба, Қандай эскитибди? Худо охирини айтмаса, нима қилсин? Қайси тошга бош урсин?

Шу Ғойибни топмагунича кўрган кунини кун демади. Бировникини асради, ўзимники деди, асради, авайлади, уйлади, жойлади. Онасининг айтгани — шу учинчи эрнинг боласини ўзимники деди. Ўзимники дейишнинг эса ўзи бўлмади. Бир куни Ғойибжони касал бўлиб нақ эсхонасини чиқарди. Ўша кеча у Ғойибжонини туғди. Худди кўзи ёригандай, тўлғоқ тутгандай азоб еди.

— Ё, худойим, болам апарайса бўлмасин-да ишқилиб!

Эрталаб тараша каби озғин дўхтир унга пешвоз илжайиб деди:

— Суюнчини чўзаверинг, опа, ўғлингиз операция бўлмайдиган бўлди, касали кўричак эмас, колит экан, колит.

— Калит, қанақа калит? — У кўнгли жойига тушиб ёнидаги эрига саволомуз тикилди.

— Э, шуни ҳам билмайсанми, ичаклари шамоллаган-да, — ўзича шарҳлади чоли.

Ҳа, шундай кунлар ҳам ўтди. У ўтган кунларидан нолимади. Учинчи эрни ҳам охиригача пешонасига айтмаган экан, ёлғиз ўғилнинг тўйини кўрмай оламдан ўтди. Раҳматли чолининг гўри тўла нур бўлсин, бу дунёда уни ёлғиз ташлаб кетмади. Ғойибжони-чи, ўғил деса дегудай бўлди. Аммо-лекин бу келин деганлари нақ илон бўлди. Индамай чақиб олди.

Ҳа, у якка ўзи аёл боши билан рўзғорнинг неча жойидан тугиб, ўғил уйлади. Тўй қилди. Худонинг буюргани рост экан, тўй-томоша, орзу-ҳавас кўрди. Худога шукурки, тепкилаб-тепкилаб кўмадигани бор.

Эсида, қизчарларда ийманиб, нарироқдан жой олди.

— Жойингиздан адашманг, Қуда хола. Ўғил тарбиялаб, эр етказган қайнонанинг жойи шу бўлади, — деб уни етти қават кўрпача тўшалган тўрга ўтқаздилар.

Шунда кўнгли тоғдай ўсди.

Кампир беихтиёр харракка сурилиб ўтирди.

***Келиним деб тахт***
***ясатган,***
***Тахт эмасу бахт***
***ясатган***
***Қайнонасига***
***бир салом...***

Қулоғига келин салом қилдирган янгаларнинг овози келди. Самбиттол новдасидай оқ-сариққа мойил келинчак саломга эгилди. Унинг оқиш, тиниқ юзлари ҳарир парда остида оловланди. Шунда унинг меҳри бир товланди, бир товланди... Ўша нозиккина келинчак мана шу келин эди.

Кампир кўзи толиб, йироқларга тикилди. Олис тоғлар тиниқлашди, яқинлашди...

— Ойи, кўйлагингизни ечиб беринг, кир ювяпман.

«Ҳа, қилиғи ўзига таъсир қилибди-да, — кампир енгил тортди. — Ҳай, инсон боласи-да, феъли бор, тили бор...»

Кампир келинига индамади. «Дарровда розилик билдирсанг, бошга чиқади».

Келин қайнона сукутидан саросималанди. Сўзга оғиз жуфтлади-ю, айтолмади. Кампир келинининг ҳолатини тушунди.

— Ҳай, худойимга шукур, — кампир харракдан қўзғалди.

Чумчуқлар яна «гурр» этиб пешайвонга ёпирилди.

— Ҳай, кетларинг-а! — кампир айвон томон ҳассасини ўқталаркан, зимдан келин тарафга назар солди.

Келин кўринмади.



# Айёр фолбинлар ва лақма умидворлар

Иши юришмай қолган одам, чўкаётган киши хасга ёпишгандек, ҳар нарсадан илинж ахтараверади. Ирим-сиримларга ишониб қолади. Оғир вазиятдан меҳнат билан чиқиш ўрнига ғойибдан эҳсон кутиш оқибатида алданиб қолаверади. Самарқандлик Фарида Я., Севара Б., Муқаддас П., Жонгул В. ва бошқа аёллар ишонувчанликлари туфайли сохта табиб-фолбинларнинг алдови домида қолишди. Моддий ва маънавий зарар кўриб, хижолатдан қочишга жой тополмаётган бу кишиларни эл ичида такрор изза қилмаслик учун исмларини ўзгартирдик.

Фақат бир ҳолатнинг тафсилотини баён қилмоқчимиз. Чунки бошқаларида ҳам воқеа айнан шу тахлит такрорланаверади. Бундай манзараларга хотин-қизларнинг аксарияти у ёки бу тарзда гувоҳ бўлишган.

Кунларнинг бирида Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманида яшайдиган Муҳайё Саттарова ҳамда Феруза Мирзаева тирикчилик важидан Самарқандга келиб тиланчилик қилиб юришади. Эшикма-эшик юриб топилаётган даромад уларни қониқтирмай қўйганди. Шум ниятларини амалга ошириш учун содда одамларни излай бошлашади. Озгина эътиборли бўлсангиз ҳар қандай одамнинг руҳий ҳолатини пайқайсиз. Фирибгарлар эса бундай вақтда одамнинг енгидан кириб ёқасидан чиқиб кетади.

Навбатдаги хонадон эшигини тақиллатишганда Муҳайё билан Феруза вазиятни тез англаб олишди. Хонадон бекасининг юзидаги тушкунлик ифодаси уларни дадиллантирди. «Фолбинлик ва табиблик қиламиз», — дейишди. Анграйиб турган хонадон бекасининг сукутидан фойдаланиб остона ҳатлашди ва ёлғондакам оҳ тортишди. «Ишларингиз юришмай қолган, баракангиз йўқ, ниятларингизга етолмай юрибсиз, ҳовлингизга жоду ташланган. Истасангиз, сеҳр-жодулардан тозалаб, кушойиш қиламиз. Элнинг олди бўлиб кетасиз», — деб аврай бошлашди. Турмуш ташвишларидан толиқиб, катта режаларга қўли калталик қилиб турган хонадон бекаси кутилмаган меҳмонларни нажоткор билиб уйга бошлади. Ҳаш-паш дегунча ирим-сиримлар бошланди. Исириқ тутатилди, мойчироқ ёқилди. Кейин хонадондагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ўзлари ташлаган жойдан «жоду»ни гўёки ковлаб олишди. Бу оилага душманлар «эскилик қилиб» оғир юк туширишгани ҳақида гапираверишди. Эскирмайдиган, чиримайдиган, зангламайдиган буюмга кушойиш дуо ўқилса, оила аъзолари ҳар хил бало-қазолардан омон бўлишини уқтиравеишди.

Дуо ўқиш баҳонасида дастлаб хонадон бекасининг қулоғидаги сирға, қўлидаги узук, бўйнидаги тилла занжирни ечтиришди. Тадбир ҳамманинг кўз олдида бўлаётгани учун (оила аъзоларининг деярли ҳаммаси уйда эди) ҳеч кимда шубҳа пайдо бўлмади. Кейин уйда бошқа тилла тақинчоқлар бўлса, уларга дуо ўқиш зарурлигини айтишди. Уйдаги бор тақинчоқлар йиғилиб, дуогўйларнинг олдига қўйилди. Араб алифбосида ёзилган қандайдир китобни варақлаётган меҳмонларнинг нияти бутунлай бошқа бўлиб, улар кутган фурсат етган эди. Хонадондагиларни уни олиб чиқ, буни ташлаб кел баҳонасида ҳар ёққа юборишади. Уларнинг кўз олдида «дуо ўқилган» тилла тақинчоқларни пахтага ўрашади. Уни тахланган кийимлар орасига жойлаб, дуо ўз кучини кўрсатгунча очмасликни тайинлашади. Ҳамма ғиромлик мана шу нуқтада содир бўлганини ҳеч ким пайқамайди. Тилла ўралган пахта устамонлик билан тош ўралган пахтага алмаштириб қўйилади. Режаси хамирдан қил суғургандек осон битганидан хурсанд Муҳайё билан Феруза «кушойиш ўқиш»ни якунлаб, хонадон бекасини мақтаб, ўзларини бекатгача кузатиб қўйишни сўрашади...

Хонадон бекаси чақирилмаган меҳмонларни кузатиб келгач, бироз вақтдан кейин кийимлар орасидаги бир нечта тошни кўргандагина ҳаммасини тушунади. Бу вақтда «мушкулингни енгил қиламан» деган фолбин-табибларнинг изини ҳам топиб бўлмасди. Алдов домига тушиб, ҳалол мулкини қайтариб олиш илинжида тегишли идораларга мурожаат қилганлар қанча-ю дарди ичида қолганлар қанча?

Фирибгарликнинг антиқа усулини топган Муҳайё ва Феруза Самарқандга бир неча бор келиб, ўзларининг шум ниятларини ўта айёрлик билан амалга ошириб, мўмай ўлжа билан қайтишади. Қарийб бир йил мобайнида улар ўнлаб хонадонларга кириб умидвор бандаларнинг соддалигини суиистеъмол қилиб, фуқароларнинг 20 млн. сўмликдан зиёд молини фирибгарлик билан ўзлаштириб юборишади.

Самарқандда онда-сонда пайдо бўлиб қоладиган ва одамларнинг аҳволи ҳамда вазиятга қараб иш тутадиган, бир юрган кўчасидан қайтиб ўтмайдиган бу маккорларни қўлга олиш осон бўлгани йўқ. Бунинг устига улар ўз исмлари ва яшаш жойларини ҳеч кимга ҳеч қачон тўғри айтишмаган. Ниҳоят, тулки қопқонга илиниб, уларнинг фириби фош бўлиб, суднинг қонуний ҳукми ўқилди...

Мазкур фирибгарларнинг макридан жабр кўрганлар ҳам, бошқа кишилар ҳам ишонувчанлиги ёки эътиборсизлиги оқибатида жиноятга йўл очиб бераётгани ҳақида ўйлаб кўриши керак. Мутлақо нотаниш одамларнинг уйга киритилиши, энг қиммат буюмлар уларнинг қўлига тутқазиб қўйилишини гоҳо ақлимиз бовар қилмайди. Ҳеч ким сизни бир лаҳзада бахтга муяссар қилиб қўя олмайди. Фаровонлик ва тўкинликка сабр-тоқат ҳамда меҳнат орқали эришилади.

Давлатимиз қонунларида фолбинлик хусусий тадбиркорлик фаолияти турларига киритилмаган. Қуръони каримда ҳам ирим-сиримлар, фол кўриш, инсон тақдиридан башорат айтиш гуноҳ саналади. Ана энди ўзингиз хулоса чиқараверинг.

**Нурулла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

---

# ИККИ ЎҚ, ИККИ ТАҚДИР!



***Шу йил бошида Шовот туманида ов билан боғлиқ икки бахтсиз воқеа содир бўлди. Бироқ...***

2008 йил 9 январ. Кунботар маҳал. Кун совуғидан ҳеч бир ишга қўл ургиси келмай ўтирган Улуғбекнинг уйига акасининг ўғли Мурод кириб келди. Унинг ёнида жўраси ҳам бор эди.

— Улуғбек ака, бир овга бормаймизми-а, милтиғингизниям олиб чиқсангиз..

Қишнинг зерикарли кунлари шундоқ ҳам жонига теккан Улуғбекка ов ҳақидаги фикр ёқди. ТОЗ-25 маркали милтиғини олиб чиқди. Уларга яна бир амакиваччаси Ҳакимжон, танишлари Муродбек ва Ферузбек, ўзининг ўғли Мамат ҳам эргашди.

— Икки адашнинг ўртасидаги ўтирган омадли бўлади дейишади, биз иккита Муродни олиб кетаяпмиз, худо хоҳласа овимиз бароридан келади, — йўлда гурунг қилди Улуғбек.

Шовот туманидаги Хитой қишлоғининг шарқий томонида овбоп — ўрдак кўп бўладиган жойлар бор. Улуғбек машинасини ўша томонга ҳайдади. Манзилга етиб келгач ов режасини келишиб олишди. Ферузбек ва иккила Муродни машинада қолдиришди.

Ўрдаклар келишини пойлаш ва хабар қилиш учун Ҳакимжонни бир томонга қўйиб, ўзи ўғли Мамат билан бошқа томонга бориб, ўлжа кутиб писиб ётишди. Шу пайт Улуғбекнинг кўзига ҳаракатланиб келаётган нарса кўринди. Атроф гира-шира қоронғу... Қанчалик қунт билан қарамасин ҳаракатланаётган нарса ўрдакдек туюлди. Ўқ узди... Мўлжалга тегди. Аммо ўқ теккан нарса ўрдак эмас, Ферузбекнинг боши эди. Ўлжани олиш учун югуриб келган Улуғбек Ферузбекнинг қонга беланиб ётганини кўрди. Олдинига довдираб қолди. Ахир улар машинада бўлишлари керак эди. Лекин тез ўзига келиб, Ферузбекни кўтариб шу атрофда яшайдиган одамнинг уйига олиб боришди. Қонни тўхтатишга уринишди, иложи бўлмади. Аҳвол жиддийлигини ҳис қилгач, касалхонага олиб борди.

Ферузбекнинг умри узун экан. Шифокорларнинг ёрдами туфайли ҳаёти сақлаб қолинди.

Афсуски, эҳтиётсизлик Ферузбекнинг жони оғришига, ҳамманинг вишга тушишига сабаб бўлди. Лекин Ферузбекнинг ўзи, яқинлари бу воқеа бахтсиз тасодифлигини ва Улуғбек Ферузбекнинг омон қолиши учун барча чораларни кўриб, ҳаракат қилганини инобатга олиб, уни жазодан озод қилишни сўраб судга мурожаат қилишди. Уларнинг мурожаати инобатга олинди.

Шу тумандаги Ижтимоият қишлоғида яна бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди.

2008 йилнинг 15 феврал куни ишга кеттан Йўлдош ака уйига қайтмади. «Рўзимов Гулумбой» фермер хўжалигида ишловчи Йўлдош ака ҳар куни ўғли Зафар билан ишга борар, гоҳ фермер хўжалигига қарашли, гоҳ шу хўжаликдан оиласи учун ажратилган ерда ишларди. Аксига олиб шу куни Зафарнинг қишлоқ фуқаролар игинига бориб келадиган иши чиқди. Тушга яқин қайтди. Отаси ҳали уйга келмаган экан. Тушлик қилмай отасини кутди. Негадир ҳар кун тушгача ишлаб уйга қайтадиган отаси ҳаяллади. Соат 15 лардан ҳам ошдики, отасидан дарак бўлмади. Хавотирга тушган Зафар отасини излаб фермер хўжалигига йўл олди. Йўлда қайнукаси Давронга йўлиқди.

— Ҳа Даврон, овдан келаяпсан, шекилли, милтиқ кўтариб, нима отдинг?

— Ўрдак отдим, — қўлидаги ўлжани баланд кўтариб, жавоб берди Даврон.

— Отам ҳалиям ишдан қайтмади, кўрмадингми?

Йўлдош акани кўрмаганини айтган Даврон велосипедига миниб йўлида давом этди.

Зафар отасини узоқ излади. Олис-олисларга кўз югуртирди. Бирон жойда одам кўринмасди. Хавотири ошди. Отасини йиқилиб ётган ҳолда топган Зафар югуриб ёнига борди. Кунчиқар томонга қараб, тиззаларини ярим буклаган ҳолда чалқанча ётган отасини совуқда ухлаб қолган деб ўйлаб, оҳиста туртди.

Отасининг юзи қонга бўялиб, қотиб қолган эди. Унинг ўқдан яраланганидан бехабар, ҳар хил хаёлга борди. Бу атрофда чегара аскарларидан бошқа киши юрмаслигини ўйлаб, олдинига улардан гумон қилди, отамни кимдир калтаклаган, шекилли, деб ўйлади. Зўрға нафас олаётган отасини кўтармоқчи бўлди, аммо қўрқувдан оёқ-қўли бўшашгани учунми, эплай олмади. Совуқ бўлишига қарамай устидаги курткаси, камарларини ечиб ташлади ва бир амаллаб отасини орқасига энгаштириб, уйи томон йўл олди. Даладаги шийпонга етиб келгач, уни шу ерга ётқизиб, устига кигиз бостирди ва нафас олаётганига ишонч ҳосил қилгач, велосипедни миниб ёрдам сўраш учун қишлоққа жўнади. Энг яқини қайнукаси Давроннинг уйи эди. Бахтига борганида Даврон ва Улуғбек уйда экан. Уларга совуқ хабарни айтди. Тезда машинага ўтириб, отасини уйга олиб келишди ва врач қўшниси Иброҳим акани чақиришди. У келиб, яраланган беморни текшириб кўрганида Йўлдош аканинг қон босими 40 га 0 эди, аммо ҳаёт учун курашаётган, нафас олаётганди.

Уни касалхонага олиб боришди. Аммо Йўлдош аканинг жони узилди...

Қотилни кўп излашди. Ким, нима учун отганлиги ҳаммани қизиқтирарди. Ниҳоят, «қўли қонга беланган» шахс топилди. У шу қишлоқда яшовчи Баҳодир Нурматов эди.

Ўша куни эрталаб Барбос лақабли ити билан овга чиққан Баҳодир соат тўққиз ярим ўнларда қамишлар орасида шитирлаб овоз чиққан томонга қараб ўқ узди. Аммо унинг қуён деб ўйлагани инсон эди. Баҳодир милтиғини қўлтиғига илиб, соат ўн иккиларда уйига қайтиб келиб, иссиқ жойда хотиржам овқатини еди. Бу пайтда юз ва бошидан ўқ еб, яраланган Йўлдош ака совуқда ётганди.

Суд чоғида Баҳодир ўзини оқлаш учун «қуён деб ўқ отганимдан кейин итим шу томонга қараб югурди-ю, лекин яна пастга қараб кетди. Шунга мен қуён шу томонга қараб қочдимикан деб ўйлабман, шунинг учун ўқ узган томонимга бормадим» деб ўзини оқлади. Аммо унинг бу баҳонаси жуда ишонарсиз эди. Чунки ҳеч бир овчи отган ўлжасини изламай қўймайди. Қолаверса, у учта патрон билан овга борган, фақат биттасини отган ва тез уйга қайтиб келган. Агар у ҳақиқатан ҳам одамни отиб қўйганини билмаганда, бирон ўлжани ушламагунча уйга қайтармиди?! Бу бизга қоронғу. Асли ҳақиқат фақат Баҳодирнинг ўзигагина аён. Ким билади, балки шу кунларда суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган Баҳодир Нурматовнинг ҳам виждони қийналаётгандир. Лоақал Йўлдош акани касалхонага олиб бориш чораларини кўрганда, у қаттиқ совуқда беш-олти соатлаб далада қолиб кетмаган, тирик қолиб, оила даврасида ўтирган бўлармиди?!

**Б.ПОЛВОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Шовот туман судининг раиси.**
**М.ИСМОИЛОВА,**
**журналист**



# О, сен мафтункор, спорт!..

***Яна бир ҳафтадан сўнг XXIX ёзги Олимпия ўйинларига старт берилади. Мазкур тадбирда деярли дунёнинг барча давлатларидан спорт усталари қатнашиши кутилмоқда. Улар бор маҳоратларини ишга солиб, ўз юртлари шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун 8 - 24 август кунлари энг юксак натижаларни қайд этишга интиладилар.***

***Ушбу нуфузли мусобақа олдидан унинг тарихига мурожаат этишни лозим топдик. Қуйида мусобақанинг келиб чиқиши, асосчилари, сабабчиси ҳамда 2800 йиллик тарихи ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўласиз.***



**Олимпиада 2008**

Спорт...

Шу биргина сўзда қанча-дан-қанча шижоат, басма-басига кураш ва ғалаба нашидаси мужассам.

Спорт, бу — соғлиқни мустаҳкамлаш, жисмонан бақувват бўлиш учун мунтазам олиб бориладиган бадан-тарбия машқлари, муросасиз беллашувлар... Унда ёшликка хос шиддат, шижоат, соғлом фикр нафаси уфуриб туради.

Спортнинг тури кўп. Спорт



иншоотига илк қадам қўйиб кириб келган болакай ёки қизалоқ ўзи танлаган тур бўйича устоз-мураббийдан сабоқ олади, мунтазам машқ қилиб, жисмонан чиниқади. Мусобақа майдонида рақибини енгиш, унинг шаштини қайириб, мағлуб этиш, ўзининг кучини, маҳоратини кўрсатиш учун асло тиним билмайди. Ғалабага элтувчи усулларни ўйлаб топиб, юксак маҳорат ва қобилият билан барча рақибларни доғда қолдириб, фақат ўзининг жисмоний қобилияти ва маҳорати, ақлий салоҳияти билан спортнинг энг нуфузли шоҳсупасига кўтарилади. Ана шунда унинг бу ғалабаси миллион-миллион мухлисларнинг тантанасига айланади. Спортчи эса миллат ифтихори сифатида эъзозланади. Маҳоратда тенгсиз спортчининг довруғи дунё кезади.

Азал-азалдан одамлар кучли, эпчил бўлишга интилганлар. Ўша пайтларда бу ҳаётий зарурат эди. Чунки кучли ожизнинг оғзидан ошини, қўлидан ов қуролини тортиб оладиган ёввойи давр — жоҳиллик ҳукм сурган бир пайтда киши яшаши учун, кун кўриши учун, зўравонлардан ўзини ҳимоя қилиши учун кучли, чапдаст, абжир бўлиши керак эди. Ана шундай матонатли, бақувват кишилар ўзларининг ҳаракати ва ишлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Улар ёв ҳужум қилганда ҳамиша ўз уруғ-аймоғини, қабиладошларини ҳимоя қилиб, ҳурматга сазовор бўлишган. Ёшлар бундай кишиларга ҳавас билан қараб, уларга тақлид қилишган, ўзлари ҳам шундай кучли, забардаст бўлишга интилишган. Натижада аста-секин бадан тарбия, жисмоний машқлар одат тусига кира бошлаган.

Кучлидан ҳам кучли, зўрданда зўр бўлишга интилиш одамларга хос руҳий-маънавий туйғу. Шу боис куч-қувватга тўла ботир, барча ишларда абжир кишилар турли мусобақалар, ўйинлар уюштиришган. Бу тадбирлар кўпинча байрамларга, тўй-маросимларга, халқ сайилларига файз бахш этган. Ғолиблар эъзозланиб, совға-саломлар билан тақдирланган.

Бу удумларимиз авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган халқ оғзаки ижодида, достонларда ҳам ўз аксини топган. Алпомиш достонида Барчиной кураш тушиб, ҳаммани енгган билаги зўр полвонга, минг қадамдан танга пулни урганга, ёй тортишиб ёйи синмай қолганга, пойгада оти ўзганга ёр бўлишини айтади. Бу шартда чуқур рамзий маъно мужассам. Халқ севган ҳақиқий инсон фақат жисмоний жиҳатдан кучли бўлиб қолмасдан, унинг қуроли ҳам синмайдиган пишиқ-пухта, отган ўқи нишонга бехато бориб тегадиган мерган ва шу билан бирга йигитнинг қаноти ҳисобланган оти ҳам чопқир бўлиши зарур. Шундай ботирларгина элнинг, юртнинг ҳимоячиси бўла олади. Ахир бежиз айтишмаган: «Дононинг сўзи, ботирнинг иши халқ хотирасидан ўчмайди» деб.



Қадимги Юнонистонда кучли, илдам кишилар ўртасидаги мусобақа ўйинлари тўрт йилда бир марта ўтказилган. Уларнинг ўйинлари биздагига нисбатан бошқача, асосан гимнастика машқларидан иборат бўлиб, осмон, момоқалдироқ ва чақмоқ маъбудаси Зевс номи билан боғлиқ. Юнон афсоналарида ҳикоя қилинишича, Зевс ва бошқа илоҳлар юксак тоғ тепасида макон қуришган. У жой «Олимп» дейилган. Ўйинлар Зевсни улуғлаш учун, унинг шарафига уюштирилгани боис «Олимпия ўйинлари» деб юритилган. Олимпия ўйинларини дастлаб Зевснинг ўғли Геракл ташкил қилган, деган ривоят бор. У ғолибларни тақдирлаш жараёнида отасининг шаънига ҳамду сано айтиб, шу билан Олимпия совриндорларини кўкларга кўтариб, улуғлаган.

Геракл Олимпия ўйинларини ўтказиш учун тоғдаги гўзал водийлардан бирини танлаган. Югуриш бўладиган жойни аниқлаб, югуриш йўлагининг узунлигини товони билан ўлчаб, уни 600 товон қилиб белгилаган. Бу ҳозирги ҳисобда 192 метр 3 сантиметрга тенг келади. Аммо кейинчалик Олимпия ўйинлари турли жойларда ўтказилиб, югуриш йўлагининг узунлиги ҳам ҳар хил бўлиб қолган. Чунки йўлакни ўлчаган кишиларнинг товони турлича эди-да. Югуруш йўлаги юнонча «стадий» деб аталган. «Стадион» сўзининг келиб чиқиши ана шундан.

Бизгача етиб келган ҳужжатларда қайд қилинишича, биринчи Олимпия ўйинлари бундан салкам 2800 йил муқаддам бўлиб ўтган. Ўйинлар беш кун давом этган. Биринчи ва охирги кунлари очилиш ҳамда ёпилиш тантаналарига бағишлаб, ўша кунлари қурбонликлар сўйилган. Юнонистоннинг машҳур шоирлари спортга, одамлар матонати, иродасига бағишлаб шеърлар битишиб, мушоиралар ўтказишган. Файласуфлар ҳаёт ва жамият, гўзаллик ва спорт ҳақида баҳс-мунозаралар қилган. Юнонистонда жисмоний тарбия ва спорт шу даражада оммавийлашиб кетганки, Олимпия ўйинларида қатнашиш учун барча қишлоқ ва шаҳарлардан, ҳатто чекка ўлкалардан спорт усталари келишган. Ўйинларга тайёргарлик кўрилаётган пайтда, ўйин давомида ва ундан сўнг уч ойгача Юнонистон фуқаролари учун «Муқаддас тинчлик» даври бўлган. Шу даврда урушлар тўхтаган. Ҳатто безорилик ва бошқа номаъқулчиликлар ҳам ўша пайтда барҳам топган.

Юнонистон Рим империясига қўшиб олингандан сўнг Олимпия ўйинларида римлик олий табақага мансуб зодагонлар ҳам ўйинларда иштирок этишни ўзларига шараф деб билишган. Ҳатто машҳур математик ва файласуф олим Пифагор бокснинг ўша пайтдаги кўриниши — муштлашиш бўйича мусобақада қатнашиб, «Олимпия чемпиони» деган номга сазовор бўлган. Ҳикоя қилишларича, олимнинг дўстларидан бири ҳазил тариқасида «Муштлашиш жангги осонми ёки математикадан масалалар ечиш?» — деб сўраганда кўзлари кўкариб, лунжи шишган олим жиддий туриб: «Математикадан кўра муштлашиш мураккаброқ. Унда куч ёки маҳоратнинг ўзи етарли эмас. Бир вақтнинг ўзида тез фикрлаб, қарорингни зудлик билан амалга оширишинг лозим, яъни куч, маҳорат ва ақл бирлашсагина мақсадингга эришасан», — деб жавоб қайтаради.

Олимпия ўйинларида уч марта чемпион бўлган ғолибнинг ҳайкали маъбудалар қаторида ибодатхоналарга қўйилган. Бу билан юнонлар забардаст, матонатли ва иродали кишиларни эъзозлашни кўрсатишган.

Албатта, спортчиларни бундай шарафлаш Рим империяси ҳукмдорларига ёқмаган. Шу боис император Федосий I Олимпия ўйинларини 394 йили тақиқлаб қўйди. Фақат бир минг беш юз йилдан сўнг франциялик барон Пьер де Кубертеннинг ташаббуси ва олиб борган амалий ишлари натижасида бу ўйинлар қайтадан тикланди. 1894 йил 16 июлда Халқаро атлетика конгресси Олимпия хартиясини тасдиқлаб, Олимпия ўйинларини ташкил этувчи ва ўтказувчи доимий қўмита тузди.

Олимпия ўйини тарихига кенгроқ тўхталишимиздан мақсад, 8-24 август кунлари Хитой Халқ Республикасида XXIX ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Олимпия ўйини қайта ташкил этилгандан буён ўтган деярли юз йилдан ортиқ давр мобайнида бу халқаро ҳаракат дунё бўйлаб кенг қулоч ёйди, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар



ва халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини қамраб олди. Бу ўйинларда спорт ҳаваскорлари қатнашиб, «Тезроқ», «Баландроқ» ва «Кучлироқ» деган шоирлар остида ўзларининг нимага қодирлигини кўрсатишди.

Албатта, қайта ташкил этилган Олимпия ўйинлари, «Олимпия» деган тушунчаларнинг моҳияти бутунлай янги маъно касб этиб, олдинги спорт ўйинлари жараёнларидан, унинг мазмунидан тубдан фарқ қилади. Бугунги кун Олимпия ҳаракатида учта тушунча — «Олимпия ўйинлари», «Олимпия ҳаракати» ва «Олимпизм» тушунчалари ўз ифодасини топган.

Ана шу тушунчалар Олимпия ўйинларини ҳар бир спорт тури бўйича ўтказиладиган жаҳон биринчилиги мусобақаларидан фарқлаб туради. Олимпия ўйинлари кўп қиррали, кўп тармоқли ва ранг-баранг. У жаҳонда Олимпия ҳаракатининг шаклланишига олиб келди. Бугунги кунда турли қитъаларда тузилган барча миллий олимпия қўмиталари ҳамда спортнинг ҳамма турлари бўйича ташкил этилган халқаро федерациялар ўз сафларига миллион-миллион спорт ҳаваскорларини бирлаштирган. Бу ҳаракат ўзининг мустаҳкам маънавий негизига эга бўлиб, унинг номи «Олимпизм»дир.

Олимпия ҳаракати, бу — ҳалоллик, диёнатлилик, инсоф, андиша ва тўғрилик сингари юксак умуминсоний қадриятларга асосланади. Айтиб ўтилган бу одоб-аҳлоқ дахлсизлигини бузган, ёмон ишларга қўл урган, аҳлоқсизлиги билан жиноий жазо олиб қамалган одамлар ўйинларда қатнашмайди. Ўйин қоидасини бузган, ғирромлик йўли билан ҳакамларни алдашга уринган спортчилар қаттиқ жазоланади. Негаки, олимпизм, бу — жамиятнинг, инсонларнинг шундай бир ажойиб ижтимоий ҳолатидир.

Шу боис мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ёшлар соғлигини, уларнинг камолотини ўйлайдиган юзлаб, минглаб кишиларни янги ишларга рағбатлантирмоқда. Бугун Ўзбекистонда спорт ўзининг мафтункорлиги билан барчанинг қалбидан жой олган. Спорт, бу ҳаваскорлик ва беғаразлик билан ўйин қоидаларини бузмай мусобақада бор кучни, имкониятни, ақл-идрокни, қобилиятни намойиш қилиб ғалабага интилиш, рақиб зўр келганда унинг устунлигини холисона тан олишдир. Агар спортни сиёсат билан қиёслаш жоиз бўлса, бу — ўзаро ёрдам ва рақобатга асосланган демократия дейишимиз мумкин.

**Хўжабой ЙЎЛДОШЕВ**



## Раҳбар хонимлар қанча маош олади?

АҚШда чоп этиладиган «Форбес» журнали мамлакатдаги энг йирик компанияларни бошқарадиган аёллар ва уларнинг маошлари рейтингини эълон қилди. Унга кўра, биринчи ўринни «Пепси-Ко» компанияси ижрочи директори Индра Нуйи хоним йиллик 12,7 млн. долларлик маоши билан эгаллаб турибди. Кейинги поғоналарда «Эйвон» косметика компанияси бошлиғи Андреа Жунг (йилига 12 млн. доллар), «Ксерокс» компанияси директори Энн Малкахи (11 млн. доллар)лар боришмоқда. Рўйхатдан жами 13 нафар раҳбар аёл ўрин олган.

Аммо эркаклар ҳам ҳисобга олинганда, Индра Нуйи хоним маош олиш бўйича бор-йўғи 139-ўринда турар экан. Ҳозирча рейтингни «Oracle» корпорацияси раҳбари Лоуренс Эллисон бошқариб турибди — унинг йиллик маоши 193 млн. долларга тенг.



## «Банк ўғриси» қамоқда

Испаниянинг Памплона шаҳрида жиноят олами ва ОАВда «аср банк ўғриси» деб ном олган Хайме Хименес Арбе устидан суд ҳукми ўқилди. Унга кўра 2004 йили навбатдаги талончилик пайтида икки нафар жандармни ўлдиргани учун Арбе 47 йилга озодликдан маҳрум этилди. «Ёлғиз» лақаби билан ҳам танилган банк кушандаси ўз фаолияти давомида 30 дан ошиқ қуролли жиноятга қўл урган. Бунинг учун унга 13 йил керак бўлган. Ушбу жиноятлар натижасида Арбе 600 минг евродан ортиқ «даромад» олган.

Тергов органларининг маълумотига кўра, 2004 йилнинг 9 июнида Лос-Абетос — Мадрид йўналишидаги 113-шосседа, Кастехон деган жой яқинида «Ёлғиз»нинг машинасини икки нафар йўл ҳаракати нозири тўхтатишга ҳаракат қилишган. Бироқ жиноятчи нозирлар танасига 21 та ўқни «жойлаштириб», воқеа жойидан қочиб қолади. У орадан 3 йил ўтибгина, навбатдаги банк талончилиги пайтида қўлга олинади. Бунгача у қидирувда бўлган. Уйини тинтиб кўришганида, милтиқ, автомат ва бир неча тўппонча топилган. Талончилик пайтида юзини гримм қилиб, ниқоблардан, ясама соқол ва мўйловлардан фойдаланган.

## Сув балоси...

Ушбу ҳафтанинг бошларида Украина, Молдова ва Румининиянинг Карпат тоғларидаги вилоятларида сув тошқинлари, сел каби табиий офатлар рўй берди. Натижада биргина Украинада 22 кишининг ҳалок бўлгани, минглаб хонадонлар ва 10 минг гектардан ортиқ экинзорлар сув остида қолгани ҳақида хабарлар тарқалди. Табиий офатдан айниқса Ивано-Франков вилояти кучли жабр кўрди. Мамлакат ФВВ маълумотларига кўра, тошқинлар Одесса вилоятига ҳам хавф солган.

— Катта миқёсдаги сув тошқинлари асосан Карпат тоғларида ўрмонларнинг тўхтовсиз кесиб ташланиши натижасида рўй бермоқда, — дейди Киевдаги экологик-маданий марказ раҳбари Владимир Борейко. — Охирги 40 йил давомида тоғлар сезиларли даражада ўрмон қопламини йўқотди. Бунинг натижасида ёғаётган ёмғирлар тезда водийга оқиб туша бошлади ҳамда тошқинларни кучайтириб юборди.

Шунингдек, табиий офатга тинимсиз ёғаётган ёмғирлар билан бирга қор қопламининг қисқа муддатларда эриб кетиши ҳам сабаб бўлган.





## Тирбандликка ким айбдор?

**Сешанба куни эрталаб АҚШнинг Луизиана штатидаги федерал аҳамиятга эга шосседа кутилмаганда катта масофага чўзилган тирбандлик юзага келди. Одатда куннинг бу пайтида ҳамма ишга ёки ўқишга шошиб турган бўлади. Буни қарангки, воқеанинг асосий сабабчиси — катта тимсоҳ йўлнинг қатнов қисмига чиқиб олган экан. Янгиорлеан йўналишида кетаётган машина тўсатдан йўлга чиқиб қолган жониворни уриб юборган. Натижада кетма-кет келаётган автомобиллар тўхтаб қолишган. Воқеа жойига етиб келган полициячилар тимсоҳ ўлган бўлса керак деган хаёлда уни йўлдан олиб ташлашмоқчи бўлишганда, яраланган аллигатор уларга ҳамла қилган. Шундан сўнг маҳаллий ветеринария хизмати ходимлари чақирилган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан тимсоҳ қўлга олинган. Бироқ қандай қилиб у катта йўлда пайдо бўлганини ҳеч ким айтиб беролмади. Чунки бу жой ер сатҳидан анча баланд. Агар бирор-бир юк ташувчи компаниянинг машинасидан тушиб қолган бўлса, тимсоҳнинг тумшуғи бойланган бўлар эди. Баъзи ветеринария ходимлари уни кимдир ҳазил тариқасида йўлга ташлаб кетган деган тахминни билдирган. Полициячилар тимсоҳ кимга тегишли эканини аниқлашга киришган.**

## Одиссейнинг кемаси топилдими?

Италиялик сувости археологлари Сицилия оролининг жануби-ғарбидаги Жела қўлтиғида тадқиқот олиб боришди. Натижада эрамиздан олдинги 500-йилларга оид қадимги Греция флотига тегишли чўкиб кетган кеманинг қолдиқлари топилди. Ёғочдан ишланган қолдиқлар аввалига маҳаллий Боско Литторио музейига бирламчи ишлов учун олиб келинган. Кейинчалик қайта тиклаш мақсадида Портсмут (Британия)даги археологик марказга жўнатилган. Антик кеманинг парчаларини сувдан чиқариб олишда махсус кран ва техникалардан фойдаланилган. Қолдиқлар жуда қалин лойқа билан қопланганлиги сабабли яхши сақланган.

«Сицилиа Ньюс» ахборот агентлигининг хабарига кўра кеманинг узунлиги 21 метр, эни 6,5 метрга тенг бўлган. Олимлар унинг тумшуқ ва рул қисмларидан парчалар олиб чиқишган. Ажабланарлиси, кеманинг қисмлари пишиқ арқонлар билан бириктирилган. Бу ҳақда ҳатто Гомернинг «Илиада» достонида ҳам маълумотлар мавжуд. Қолдиқлар орасида чиннидан ясалган идишлар борлиги кеманинг узоқ жойларга сузиб борганидан далолат беради. Тахминларга кўра, у э.а. VI — V асрларда Гела (ҳозирги Жела) порти яқинида чўкиб кетган.







## Байкалдаги тадқиқотлар

П.Ширшов номидаги Россия Фанлар академияси океанология илмий-тадқиқот институти олимлари дунёдаги энг чуқур кўл — Байкалнинг тубини ўрганишмоқда. Режага кўра улар «Мир-1» ва «Мир-2» батискафлари ёрдамида кўл тубига жами 160 марта шўнғишади. Мақсад — Байкал туби рельефи ва сув таркибини таҳлил этиш. Кўлни ўрганиш ғояси 2007 йилнинг сентябрида, илмий-техникавий ютуқларга бағишланган кўргазма пайтида пайдо бўлганди. Бундан олдинроқ «Мир»лар Шимолий муз океани тубига шўнғишганди.

Шу ўринда ушбу батискафлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Улар 6000 метр чуқурликкача туша олишади. Вазни — ҳар бириники 18,6 тонна. Узунлиги — 7,8, кенглиги — 3,8, баландлиги — 3 метр. Экипаж 3 кишидан иборат. Сувости аппаратлари Финляндиядаги «Rauma-Repola» компанияси томонидан 1987 йилда ишлаб чиқарилган. 1991 ва 1995 йилларда улардан чўкиб кетган машҳур «Титаник» тўғрисидаги филм лавҳаларини 3800 метр чуқурликда суратга олишда, 1700 метр чуқурликда ҳалокатга учраган «Комсомолец» атом сувости кемасини ўрганишда фойдаланилган.

Хабарларга кўра Байкал кўлини тадқиқ этиш 2009 йилнинг кузигача давом этади. Шўнғишлар асосан йилнинг иссиқ фаслларида амалга оширилади. Шунинг учун кўл музлагунига қадар батискафлар тахминан 60 марта шўнғийди. Қолган тадқиқотлар келаси баҳорда амалга оширилиши режалаштирилган.

## «Google»га рақобатчи

**Дунёдаги энг кенг қамровли қидирув сайти ҳисобланган «Google»га рақобатчи пайдо бўлди. «Cuil» корпорацияси шу ном билан аталадиган қидирув сайти тузилганини эълон қилди. Бу сайтга тегишли икки жиҳат барчанинг эътиборини тортди. Биринчидан, янги сайтни илгари «Google»да фаолият юритган дастурчилар яратишди. Иккинчидан, «Cuil»нинг қидирув индекси 121 млрд. варақдан иборат бўлиб, бу кўрсаткич «Google»никидан деярли уч марта кўпдир. «Cuil»нинг маъноси ирландчада «билим» дегани, талаффузи эса инглизча «мағрур» (cool) сўзига яқин. Мутахассисларнинг фикрича, янги сайтда маълумотларни қидириш бироз осонроқ экан. Чунки бирор объектни топиш учун унинг номи ёки сурати устига курсорни қўйишингиз билан пастроқда ўша объект ҳақидаги асосий маълумотлар рамкаси пайдо бўлади. Шунингдек, мутахассислар «Cuil»нинг иқтисодий самарали эканлигига ҳам урғу беришмоқда.**

**Интернет хабарлари асосида Нурбек ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади**

